

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ:
ТЕХНИК ВА МУҲАНДИСЛИК
СОҲАЛАРИДА БИЛИМ
АЛМАШИНУВИ КУЧАЯДИ

2025 йил 28–29 май кунлари Италия Бош вазири Жоржа Мелонининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида қўллаб-қувватланган ташаббуслар орқали бу давлат билан aloқаларимиз янги ривожланиш босқичига кўтарилиши шубҳасиз.



Президентимиз Самарқандда кечган мулоқотларда қатор долзарб, жумладан, халқаро масалалар юзасидан ёндашувларни мувофиқлаштириш учун Ташқи ишлар вазирликлари даражасида мунтазам мулоқотларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, терроризм, экстремизм, радикализм, гийҳвандлик моддалари савдоси ва ноқонуний миграцияга қарши курашда кўп томонлама шериклик ва махсус хизматларнинг ахборот алмашиш механизмларини йўлга қўйиш таклиф этилди.

Давлатимиз раҳбари Италия ишбилармон доираларининг инновацион ривожланиш борасидаги салоҳиятини ҳисобга олиб, мамлакатларимиз савдо-

саноат палаталари шафелигида бизнес мулоқоти учун доимий майдон — Марказий Осиё — Италия ишбилармонлар клубини ташкил этиш ташаббусини билдирди. Тадбиркорлар иштирокидаги бундай учрашувлар ҳар йили минтақа мамлакатлари ва Италия пойтахтида ўтказилишига келишиб олинди.

Технологиялар трансфери, илғор билим ва тажрибаларни жорий этиш, юқори технологияли саноат ишлаб чиқаришларини ташкил этиш учун қўлай шароитлар яратишни назарда tutuvchi кўп томонлама Саноат ва технологик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳимлигини таъкидлади.

Давоми 2-бетда

Нигоҳ

БУ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ,
БУ — ИНСОН ҚАДРИ

ЭЪЗОЗДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР,
БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР, ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ
ВА КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

Замон талабларига
мос тараққиёт

Баҳорнинг сўнгги ойи мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Улар нафақат миллий, балки халқаро матбуотда ҳам кенг ёритилди, шарҳланди, таҳлил қилинди. Негаки давлатимиз раҳбари иштирокида ўтган қатор тарихий учрашувлар, долзарб масалаларга бағишланган тақдирот ва видеоселектор йиғилишларидан аксариятининг мазмун-моҳиятида ислохот, янаям аниқроқ айтсак, одамларнинг ҳаётини бундан-да яхшилаш, уларни рози қилиш мақсади мужассам эканини кўрамиз.



Мавзуга тартиб билан ёндашсак, гапни дастлаб Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифидан бошлаш мақсадга мувофиқ. Зеро, бутун мамлакатимизнинг барча ҳудуди ҳар томонлама ривожланипти. Худудларни замон талабларига мос тараққий эттиришда мавжуд имкониятлар, иқлим ва географик хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда индивидуал ёндашилмоқда.

Хоразм — жаҳонга донғи кетган не-не олимۇ фозиллар, саркарда ва султонлар, азиз авлиёлар, бетакрор шоир ва ҳофизлар юрти. 1-2 май кунлари мамлакат жамоатчилиги нигоҳи мазкур ҳудудга қаратилди. Давлатимиз раҳбари ташриф давомида қатор долзарб вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, даромад манбалари яратиш, камбағалликни қисқартириш

чораларига эътиборни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ташриф кун тартиби анча тигиз эди. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳасидаги янги объектлар билан танишув, транспорт инфратузилмаси ва шаҳарсозлик соҳасида йирик лойиҳалар ишга туширилгани фикримиз тасдиғидир.

Давоми 3-бетда

ОТА ШАХСИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Оила энг қадимий ва муҳим ижтимоий институтлардан бири сифатида шахснинг ижтимоийлашуви, ахлоқий тарбияси ва маънавий шаклланишида бекиёс ўрин тутади. Бу институтда ҳар бир аъзо — ота, она, фарзанд ўзига хос мақом ва функцияга эга. Айниқса, ота шахсининг оила ижтимоий институтидаги ўрни нафақат анъанавий, балки замонавий ижтимоий-фалсафий қарашлар нуқтаи назаридан ҳам чуқур таҳлилга муҳтож.

Ота — оила бошлиғи, тарбия берувчи, моддий-маънавий таъминотчи, фарзандлар учун намунавий шахс. Унинг мақоми нафақат ҳуқуқий ва иқтисодий, балки ахлоқий ва маданий асосларда белгиланади. Ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан, отанинг жамиятдаги ўрни ва функцияси оиладаги роли билан ҳамбарчас боғлиқ. Ота шахсининг маънавий қиёфаси оиланинг ахлоқий муҳитини белгилаб беради. Бу эса, ўз навбатида, келажак авлоднинг ижтимоий ҳуқуқ-атвори ва

фуқаролик позициясига таъсир кўрсатади.

Фарзанд тарбиясида отанинг ўрни бекиёс. У сўзи ва ҳагги-ҳаракати билан ўғил-қизларига ҳаёт сабоқларини бериб боради. Айнан отанинг ибрати орқали бола ҳаётда қадам ташлашни, инсонийлик, ҳалоллик, мардлик, адолат, ватанпарварлик каби фазилатларни ўзлаштиради. Шунинг учун ҳам ота шунчаки тарбиячи эмас, балки тиррик ҳаётнинг дарслик, намунадир.

Давоми 5-бетда



ТОМЧИДАН БОШЛАНГАН БУРИЛИШ

ЁХУД ПАХТАНИНГ ХАЛҚАРО БРЕНДГА
АЙЛАНГАНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР



Тўқимачилик соҳаси мамлакатимизда кенг тарқалган ва аҳоли бандлигини таъминловчи муҳим саноат тармоқларидан. Ҳозир ушбу жабҳада қарийб 7000 тадбиркор фаолият юритиб, 500 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айрим корхоналар эса халқаро брендларга кийим-кечак етказиб бериш даражасига етиб, соҳа салоҳиятини яққол намоён этмоқда.

Бугун бозор айланар экансиз, кийим-кечакларнинг аксарияти юрти-мизда ишлаб чиқарилганини кўриб қувонасиз, қалбингизда ғурур ҳиссини туясиз. Ахир узоқ йиллар гўза парваришлаб, пахта етиштириш билан шуғулланган халқ учун бу катта воқеа. Ўзимизнинг пахтамыздан ўзимиз бозорбоп, харидорбоп, энг муҳими, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаряпмиз.

Ҳозир биз арзон нархда харид қилиб, эгнимизга кияётган кийим-кечакнинг аксарияти танишимиз, қариндошимиз, қўшимиз меҳнат қилаётган ён-атрофимиздаги фабрикаларда тикилаётгани бор гап. Ҳозирги тўқимачилик шунчаки мато ёки кийим ишлаб чиқариш эмас. Бу — тараққиёт, бу — ишонч, бу — миллий бренд яратиш борасида биз танлаган йўл. Энг асосийси, бу — ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимиз билан ҳамбарчас боғлиқ соҳа.

Давоми 4-бетда

Мавсум

Айни дамда деҳқонлар учун қизғин палла бошланди. Яхши ният билан далага сепилган уруғ бугун пишиб етилди. Энди фақат нест-нобуд қилмай, йиғиштириб олиш керак. Бунинг учун барча ҳудудларда тайёргарлик ишларига жиддий эътибор қаратилди. Ғаллани ўз вақтида ўриб олиш учун керакли техникалар шай ҳолатга келтирилди.

ҚАШҚАДАРЁДА
ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИГА
КИРИШИЛДИ



Ҳар йилгидан олдинроқ бошланган жорий ғалла ўрим-йиғими мавсумида илғор фермер хўжаликлари аллақачон шартнома режасини бажаришнинг ҳам уйдасидан чиқди.

Миришкорлик Умидилло ота Шаропов кўп йиллик тажрибага эга фермерлардан. Қишлоқ хўжалиги соҳасида етакчи деҳқон.

— Меҳнатимиз самараси бу йил ҳам яхши бўлди. 18 гектар майдонга бугдой экандик. Аввалги йилларга қараганда бу мавсум эрта бошланди. Об-ҳаво бир оз иссиқ келгани туфайли бугдой олдинроқ етилди. Ўз вақтида агротехник тадбирлар кўрилгани учун ҳосилдорлик қўтилганидек бўлди. Натижада 78 тонна ғалла олдик, — дейди “Осиё сифат толаси” фермер хўжалиги раҳбари У. Шаропов. — Айрим пайтларда ёш фермерлар юқори ҳосилдорлик сири ҳақида сўраб қолади. Бунга эришиш учун, энг аввало, астойдил меҳнат қилиш керак. Тупроқ билан тиллашишни, ўз вақтида парваришлашни билиш лозим. Далада ҳосил мўл бўлса, эл дастурхони тўкин бўлади. Шундагина деҳқон ўз мақсадига эришади.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН — ИТАЛИЯ: ТЕХНИК ВА МУҲАНДИСЛИК СОҲАЛАРИДА БИЛИМ АЛМАШИНУВИ КУЧАЯДИ

Муносабат

Бошланиши 1-бетда

Минерал ресурслар ва қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, электротехника, кимё, тўқимачилик, чарм, озиқ-овқат ва бошқа қайта ишлаш тармоқлари учун замонавий ускуналар ишлаб чиқариш, бутловчи қисмлар ва sanoat маҳсулотларини маҳаллийлаштириш, Италиянинг етакчи брендлари иштирокида дизайн марказларини ташкил этиш ҳамкорлигининг устувор йўналиши бўлиши қайд этилди. Шунингдек, Италиянинг SACE ва SIMEST давлат агентликлари ҳамда қўшма инвестиция фондларини ҳамкорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга жалб қилиш муҳимлиги айтилди.

“Бундан ташқари, “яшил” трансформация соҳасида Италия билан самарали ҳамкорлик юқори баҳоланиб, уларод чикиндиларини камайитириш бўйича миллий дастурларни амалга оширишга кўмаклашадиган кўп томонлама платформани йўлга қўйиш орқали кенг қамровли шерикликини ривожлантириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Икки давлат етакчилари мулоқотида олий таълим соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш ҳам кун тартибидagi муҳим масалалар қаторидан ўрин олди. Жумладан, давлатимиз раҳбари Тошкентдаги Турин политехника ва Пиза университетлари филиаллари самарали фаолият юритаётганини таъкидлаб, Италиянинг бошқа етакчи олий ўқув юр்தларининг минтақада қизқиши ортиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.



Аъзамжон Тўлабоев, техника фанлари доктори, доцент

Президентимиз муҳандислик, дизайн, сув тежамкорлиги ва биотехнологиялар каби йўналишларда илмий ишланмалар, академик алмашинув ва кадрлар тайёрлаш дастурларини амалга ошириш ҳамда молиялаштириш учун Марказий Осиё — Италия илмий таълим консорциумини ташкил этиш ташаббусини илгари сургани, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Халқаро алоқалар кенгаймоқда

“Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати очиклик, ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликка асосланган, халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш ва илгор технологияларни жалб қилишга қаратилган. Олий таълимда халқаро алоқаларни кенгайтириш эса илмий самарадорлиқни ошириш ва глобал стандартларга мослашиш учун муҳим воситадир.

2024 йил 25-27 сентябрь кунлари илк маротаба ўтказилган Ўзбекистон — Италия таълим форуми мазкур йўналишдаги сўй-ҳаракатларнинг яққол намунасига айланди. Форумда маҳаллий ва италиялик мутахассислар замонавий таълим ёндашувлари, рақамли таълим, қўшма дастурлар, илмий изланишлар ва академик мобиллик масалаларини муҳокама қилди. Яқунда икки томонлама 30 та келишув ва меморандум имзоланди, бу эса узоқ муддатли ҳамкорлик учун мустаҳкам асос яратди.

Италия — стратегик ҳамкор сифатида

Италия Бош вазирининг мамлакатимизга ташрифи Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги стратегик шериклиқни янги bosқичга олиб чиқади. Бинобарин, Италия Ўзбекистонни минтақадаги ишончли сиёсий ҳамкор ва Марказий Осиё бозорига кириш эшиги сифатида кўради. Ташриф чоғида икки давлат ўртасида стратегик шериклиқни мустаҳкамловчи қўшма декларация имзоланди. Унда инвестиция, хомашё, миграция, таълим ва савдо соҳаларида ҳамкорлиқни кенгайтириш кўзда тутилган.

Таълим соҳасида муҳим қадам сифатида Тушина университети филиалини Ўзбекистонда очиб режалаштирилди. Шунингдек, Пиза, Тренто, Рома Тре ва Ка-Фоскари каби нуфузли университетлар билан қўшма диплом дастурларини йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, Перужа университети ҳамда Италия Миллий тадқиқотлар маркази билан ҳам тўғридан тўғри ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди.

Форум доирасида Турин политехника университети ҳузурида ташкил этилган Италия — Ўзбекистон илгор муҳандислик маркази тантанали очилди. Мазкур марказ механика муҳандислиги, тўқимачилик, чарм ва пойабзал sanoatида илгор итальян

технологияларини жорий қилиш ҳамда ўзбек мутахассисларини тайёрлашга хизмат қилади. Ушбу ташаббус Италия корхоналари, айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектларини Ўзбекистоннинг sanoat модернизацияси, хусусан, “яшил” энергетика ва барқарор ишлаб чиқариш каби йўналишларга жалб этишга хизмат қилади.

“Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Самарқандда Рим кўчаси очилиши икки халқ ўртасидаги тарихий-маданий алоқалар, юксак даражадаги ҳамкорлик ва ўзаро ҳурматнинг рамзий ифодасидир.

Ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар таълим соҳасидаги алоқаларни янада чуқурлаштириш имконини беради. Бу эса Ўзбек талабаларининг Италия университетларида сифатли таълим олиш имкониятини кенгайтиради. Қўшма дастурлар, илмий изланишлар ва Италия — Ўзбекистон илгор муҳандислик маркази каби ихтисослаштирилган муассасалар орқали техник ва муҳандислик соҳаларида билим алмашинуви кучаяди. Бу эса мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши ва технология таракқиёти учун муҳим замин яратади.

Ушбу ҳамкорлик орқали таълим ва касбий тайёргарлик дастурларимизни меҳнат бозори талабларига мослаштириш имкониятимиз янада кенгайди. Бу инсон капиталини ривожлантириш ва ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратишни кўзда тутувчи “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг устувор мақсадларига тўлиқ мос келади. 30 май кунини Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё — Италия саммити ҳам мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Мавсум



ҚАШҚАДАРЁДА ҒАЛЛА ЎРИМ-ЙИҒИМИГА КИРИШИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотига кўра, жорий йилда вилоятдаги 6850 та фермер хўжалигининг 133 минг 600 гектар майдонида бошоқли дон етиштирилган. Ушбу майдонлардан 334 минг тонна дон олиши кутилмоқда. Шундан 304 минг 433 тоннаси товар дон, 29 минг 567 тоннаси уруғлик дон.

— Деҳқонларнинг салмоқли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни сифатли ва қисқа муддатда йиғиштириб олиш соҳа ходимлари олдидаги долзарб вазифалардан. Айни паллада далада иш авжида. Имкони борича тезроқ ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун меҳнат қилинмоқда. Бунинг учун соҳа вакиллари, фермер-деҳқонлар жонбозлик кўрсатмоқда. Насиб этса, бу йилги хирмон янада баракали бўлади, — дейди Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Руслан Жалилов.

— Хусусан, бажариладиган ҳар бир иш эътиборга олинган. Техникаларимиз ҳам хизматга шай ҳолатда. Ҳозир воҳа-

мизда 302 та ғалла ўриш комбайни, дон ҳосилини қабул қилиш корхоналарига ташиш учун 1738 та юк автомобили, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб бериш учун 73 та кўчма ёнилғи қўйиш агрегати ҳамда сервис ва таъмирлаш ишларини бажариш учун 119 та кўчма таъмирлаш устaxonаси бириктирилган. Шунингдек, майдонлардаги ҳосилни ўриб-йиғиб олиш учун 152 та ўрим отряди ташкил этилиб, таркибига 120 та ўрим техникаси жалб этилган.

2025 йилги ғалла ҳосилини қабул қилиш давомида “Ҳосил қабули” ахборот тизими орқали бугдой қабул қилиш тартиби жорий этилди. Бугун дон корхоналаридаги электрон автомобиль тарозили “Ҳосил қабули” ахборот тизимига бошқичма-бошқич уланмоқда.

Қисқаси, миришкорлар меҳнати туфайли хирмонлар баракали бўлиб, ғалла омборлари донга тўлмоқда. Мўл-қўлчилик ортидан дла дастурхонида тўкинчилик бўлиши шубҳасиз.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ 113-СЕССИЯСИДА БИР ОВОЗДАН УМУМИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТА РАИСИ ЭТИБ САЙЛАНДИ

2 июнь куни Женева шаҳрида Халқаро меҳнат конференциясининг (ХМК) 113-сессияси ўз ишини бошлади.

ХМК Халқаро меҳнат ташкилоти — ХМТнинг олий органи бўлиб, унда умумий меҳнат ва ижтимоий масалалар ҳамда халқаро меҳнат стандартлари муҳокама қилинади ва ташкилотнинг умумий сиёсати белгиланади. Тадбирда ХМТга аъзо 187 давлатдан ҳукуматлар, иш бевуручилар ва ишчиларнинг 3000 дан ортиқ вакили иштирок этмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилотига аъзо давлатлар делегациялари томонидан бир овоздан қабул қилинган қарор билан Ўзбекистоннинг Женева шаҳридаги БМТ бўлинимаси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили тарихда биринчи марта ХМКнинг 113-сессияси Умумий масалалар бўйича қўмитаси (General Affairs Committee, GAC) раиси этиб сайланди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг доимий органи бўлган ушбу қўмита конференциянинг самарали фаолиятини таъминлаш, бошқарувнинг мураккаб масалаларини кўриб чиқиш ва ХМТ институционал барқарорлигини таъминлашда муҳим стратегик ўрин тутаяди. Хусусан, у конференция томонидан ўзинга ҳавола қилинган масалаларни кўриб чиқади ва ҳулосалар тайёрлайди ҳамда процессуал ва ташкилий масалаларга эътибор қаратган ҳолда ХМТ фаолиятининг турли жиҳатлари устидан назорат функцияларини амалга оширади.

Қўмита ўз мажлисларида 2025 йилда Ижтимоий ривожланиш бўйича Иккинчи жаҳон саммитини ўтказиш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини, 2006 йилдаги Денгиз меҳнати конвенцияси кодексига қўшимчаларни маъқуллаш, шунингдек, Мьянма ва Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш масалалари ҳамда Фаластиннинг ташкилот фаолиятидаги иштироки тўғрисидаги резолюция лойиҳасини кўриб чиқади.

Халқаро меҳнат ташкилотидagi асосий қўмиталардан бирида бундай юксак ва масъулиятли лавозимга сайланиши мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ортиб бораётганидан, глобал ижтимоий мулоқотни ривожлантиришга қўшган фол



ҳиссаси, меҳнат муносабатлари соҳасидаги ютуқлари эътироф этилганидан далолат беради.

Бу, шунингдек, Ўзбекистонга стратегик қарорларни шакллантиришга ҳисса қўйиш, халқаро меҳнат ҳуқуқи тизимидаги обрўсини мустаҳкамлаш, яхши бошқарув, инсон ҳуқуқлари ва муносиб меҳнат таъминлашга содиқлигини намойиш этиш учун имконият яратади.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг Халқаро меҳнат ташкилотидagi вакиллари ва уч томонлама ҳамкорлари фикрича, Ўзбекистоннинг раис лавозимига тайинланиши мамлакатда меҳнат соҳасидаги ислохотлар, бандлик шароитини яхшилаш, меҳнат-кашлар имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, мамлакатимизнинг Халқаро меҳнат ташкилоти таъминлашга содиқлигининг эътирофи сифатида баҳоланмоқда. Ўзбекистон раислигида Умумий ишлар қўмитаси юқори масъулият, инклюзивлик ва ошкоралик билан иш юритиши, кун тартибидagi устувор масалаларнинг самарали кўриб чиқилиши таъминлаш ва Халқаро меҳнат ташкилоти институционал салоҳиятини янада мустаҳкамлашга ишонч билдирилди.

Халқаро меҳнат конференциясининг 113-сессияси 13 июнга қадар давом этади.

“Дунё” АА
Женева шаҳри

ХОРИЖЛИК 16 МИЛЛИОН САЙЁҲ

УЛАРНИНГ ЮРТИМИЗГА КЕЛИШИ ТУРИЗМ ЭКСПОРТИНИ 4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШИРАДИ

Туризм

Шу йил 1 июндан Бахрайн, Кувайт ва Ўмон фуқаролари учун жорий қилинган Ўзбекистонга 30 кунлик муддатга визасиз кириш режими кучга кирди. Россия, Қозоғистон ва Озарбайжон фуқаролари учун эса ички ҳужжат ёки ID карта, 16 ёшга тўлмаганларнинг “киндер паспорт” билан бир ойгача киришга рухсат берилиши кутуляпти. Айни пайтда АҚШ фуқаролари учун ҳам шундай енгиллик бериш, ўз навбатида, ўзбекистонликларнинг океан орти давлатига киришини енгиллаштириш масаласи ўрганилмоқда.

Энди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари Европа Иттифоқи давлатлари, Россия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия ва Қўрғаз араб давлатларидан сайёҳлар келишини кўпайтиришга масъул. Шунингдек, ўз ҳудудида туризмни ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқади ва уларни амалга оширади.

Сўнгги йилларда бундай хабарлар Ўзбекистон учун янгилик бўлмади қолди. Мақсад — Буюк ипак йўли марказида жойлашган бебаҳо, бетақдор тарихий обидлар ва табиатга эга мамлакатимизда туризмни энг ривожланган соҳага айлантириш. Президентимизнинг шу йил 15 майдаги “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар кўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодийдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида жорий йилда мамлакатимизга келаётган хорижлик сайёҳлар сонини 16 миллионга етказиш, туризм экспортини 4 миллиард АҚШ долларидан ошириш белгиланади. Маҳаллий сайёҳлар сонини эса 40 миллиондан ошириш мақсадида қўшимча 378 та туроператор фаолияти йўлга қўйилди.

Аксарият давлатларда туризмни иқтисодиётнинг муҳим драйверига айлантиришга катта эътибор қаратилляпти. Жаҳон туризм ташкилоти маълумотига кўра, сайёҳлар сони 2024 йилда



“ЮРТИМИЗГА КЕЛАЁТГАН ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАР СОНИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КўПАЙМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ МАМЛАКАТИМИЗГА КЕЛУВЧИЛАР 10 МИЛЛИОНГА ЕТДИ. ТУРИЗМ ЭКСПОРТИ 1,6 КАРРА КўПАЙИБ, 3,5 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ. МИНГЛАБ ЯНГИ ИШ ЎРНИ ОЧИЛМОҚДА.



Зухра МИРҒОЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

рекорд кўрсаткич — 1,4 миллиард кишига етган. Бу дунёнинг ҳар олтинчи фуқароси саёҳатга чиқаяпти, дегани. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 40-50 фоиз ўсиши кутуляпти.

Шу ўринда сайёҳликнинг бугун барча давлат учун энг долзарб масалалар — аҳолини иш билан таъминлашдаги ўрни тобора ошиб бораётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бугун қарийб 400 миллион киши ушбу соҳада хизмат қилмоқда. Глобал иқтисодиётда банд бўлган ҳар 10 та иш жойидан бири туризм ҳиссасига тўғри келади.

Албатта, ушбу кўрсаткичларни бир неча ҳисса ошириш имконияти бор. Бироқ сайёҳлик инфратузилмасида — хавфсизлик, йўл, транспорт, меҳмонхона, алоқа, коммунал хизматлар, савдо, тарғибот-ташвиқот ишлари билан боғлиқ муаммолар борки, бу сайёҳликнинг кенг қўламли ривожига тўсқин бўляпти.

Мамлакатимизда ҳам бу борада етарлича муаммолар бор. Шу боис, давлатимиз раҳбари иштирокида туризм бўйича ўтказилган йиғилишларда мунтазам инфратузилмани яхшилаш масаласи кўтарилди ва бу бўйича вазифалар белгиланади.

Тўғри, юртимизга келаётган хорижлик сайёҳлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Ўтган йили мамлакатимизга келувчилар 10 миллионга етди. Туризм экспорти 1,6 карра кўпайиб, 3,5 миллиард доллардан ошди. Минглаб янги иш ўрни очилмоқда. Лекин салоҳият ва имкониятлар сарфисоё қилинса, қўрилаётган чора-тадбирлар уларни тўлақонли рўёбга чиқаришга етарли эмаслиги аён бўлади.

Демак, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси вакили сифатида туризм билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, сайёҳлик билан шугулланаётган корхоналарга енгиллик бериш, камчиликлар устида кўпроқ ишлашимиз лозим деб биламан. Энг муҳими, жойларда Президентимизнинг соҳа бўйича чиққан фармон ва қарорлари, давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси бўйича депутатлик назоратини кучайтиришимиз талаб этилади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz

БУ — ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, БУ — ИНСОН ҚАДРИ

Бошланиши 1-бетда

— Хоразм харитасига яна бир гавҳар — “Арда Хива” мажмуаси қўшилгани бизни беҳад қувонтирган энг муҳим воқеалардан бири бўлди, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Майсара Худойберганова. — Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Президентимиз иштирок этиб, нутқ сўзлади. Ушбу халқаро туризм масканида 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, очик ва ёпиқ аквапарклар, 3000 ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, кўргазмалар павильони, 70 та дўкон, 300 та савдо растаси, 11 та хўнарандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази, фавворалар, соҳил бўйи йўлагчи мавжуд. Энг муҳими, бундай ишлар ҳисобидан вилоятга келадиган туристлар сони қўшимча 1 миллионга ошади, хизмат кўрсатиш қиймати 1,2 триллион сўмга кўпаяди, камиди 2000 та иш ўрни очилади.

Мажмуанинг ўзига хос “Арда Хива”, яъни “порт шаҳри” деб таржима қилинадиган номи унинг жойлашган ўрнидан келиб чиққан. Бир вақтлар бу ерда — Хива яқинида Амударё ўзани ўтган, ҳатто бу ўзан Каспий денгизига қўйилган деган маълумотлар ҳам учрайди.

— 2 май куни Урганч туманида вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз Хоразм замини шонли тарихимиз билан янги ислохотлар туташган чорраҳа эканини таъкидлади, — дейди Шовот тумани ҳокими Мурод Давлатов. — Мавжуд имконият ва ресурсларни ишга солиш бўйича жуда ўринли ва истиқболли тақдирларни илгари сурди. Жумладан, вилоятда камбағаллик даражаси ҳали ҳам 12 фоиз атрофида, 45 минг фуқаро ишсиз экани танқид қилиниб, ҳокимлар ва ўринбосарлар ҳар бир имкониятни лойиҳага айлантириб, янги иш ўринлари очиши, саноат, сервис, туризм, қишлоқ ҳўжалиги, экспорт салоҳиятини янада ошириши зарурлиги таъкидланди. Бу соҳалардаги имкониятлар ва уларни ишга солиш чоралари кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, юртимизда туризм экспорти салоҳияти 10 миллиард доллар бўлса, шунинг 2 миллиард долларни айнан Хоразмга тўғри келади. Афсуски, бу имконият тўлиқ ишга солинмапти. Вилоят бўйича жами 263 та маданий мерос объекти мавжуд. Тадбиркорлар билан ҳамкорликда улар туристик масканга айлантирилса, қўшимча даромад ва иш ўринлари бўлади. Вилоятда 40 дан ортиқ хўнарандчилик йўналиши ривожланган, сайёҳлар маҳсулот тайёрлаш жараёнида ҳам қизиқди. Буларнинг барчаси имконият деганидир.

Умуман, давлатимиз раҳбари томонидан бу йил жами 200 миллион долларлик 91 та лойиҳани бажариш, туризм ва хизматлар соҳасида 100 мингта иш ўрни очиш вазифаси қўйилди. 2 миллион хорижий ва 10 миллион маҳаллий сайёҳ жалб қилиб, туризм экспорти 700 миллион доллардан ошириш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Халқ қаҳрамонларига эҳтиром

Ҳар куни Ғалаба боғи ёнидан икки марта ўтаман: эрталаб ишга кетаётиб ва уйга қайтишда. Мажмуа кўз олдимда бунёд бўлди, кўз олдимда такомиллашди ва тўлақонли қиёфа касб этди. Доим бу ерга кириб-чиқаётган турли ёшдаги одамларни, навқирон авлод вакиллари, ҳарбийларни кўраман. Аксариyat оилавий ёки жамоавий келаётганлар қўлида гул бўлади. Шунда бир жиҳат аяқол сезилади: вақт ўтган сари бу ерга келувчилар сони ортиб борапти.

Ҳа, мамлакатимизда сўнгги йилларда қаҳрамон аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти,



мардлиги ва матонатини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича кўп хайрли ишлар қилинмоқда. Пойтахтимизда бунёд этилган Ғалаба боғи, ҳудудлардаги “Ватанпарвар” боғлари каби табарруқ масканлар қисқа муддатда барча юртдошларимизга чет эллик меҳмонлар учун қутлуг қадамжого айланди.

Ана шундай эзгу ишларнинг давоми сифатида Ғалаба боғи ҳудудида она юрт қалқонлари шарафига барпо этилган яна бир тарихий ёдгорлик — “Миллат фидойилари” мажмуаси ҳам, ҳеч шубҳасиз, гоят муҳим аҳамиятга эга.

ЭЪЗОЗДАГИ ҚАҲРАМОНЛАР, БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР, ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ВА КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА



Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



жуда мамнун бўлдик. Байрам муносабати билан 10 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот ҳам берилди. Шундай даврда алоҳида эътибордан хурсанд бўлиб, қўлимизни дуога очдик. Аслида, ҳар куни юртимиз тинчлиги, фаровонлигини сўраб дуо қиламиз. Яратилаётган имкониятларни кўриб, қувонамиз.

Ҳамжиҳатлик — қудратли куч

Президентимиз 20-21 май кунлари Будапештда Туркий давлатлар ташкилотининг “Шарқ ва Ғарбнинг учрашув жойи” ширини остидаги норасмий саммитида иштирок этди. Кун тартибига мувофиқ, ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бутунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашишди, амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

“Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган ушбу муқташам бадийи обида эл-юртимиз чин дилдан интиладиган ва фахрланадиган яна бир мўътабар маскан

Ижтимоий соҳалардаги барча саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадларга қаратилган. Охириги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблаг 7 баробар оширилган. Бу йил 60 триллион сўм ажратилган. Мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллион янги ўрин очилди. Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устама жорий қилинди. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, тўғри тарбиялаш, зарарли таъсирлардан асраш ҳам долзарб масалалардан.

бўлиб қолади”, дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида.

Ушбу ёдгорлик мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари хотирасига бағишлаб барпо қилинди. Мажмуа юқоридан қараганда давлатимиз байроғидаги ярим ой ва ўн икки юлдуз шаклида намоён бўлади. Қарийб икки метрли юлдузларнинг қирралари битиктош вазифасини ҳам ўтайди. Уларнинг ён тарафига 196 қаҳрамонимиз номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Бу битиклар ёнига монументлар ўрнатилган, миллат фидойилари тўғрисида маълумотлар фото ва видео орқали намоён этиб борилади.

Давлатимиз раҳбари сана арафасида Ғалаба богидagi “Миллат фидойилари” хиёбонида бўлди. Шу ерда марҳум ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан учрашди, уларга чуқур ҳурматини билдирди.

— Ҳар йили бу ерга келиб, Иккинчи жаҳон урушидаги йўқотишларни эслаймиз. Энди мустақиллик фидойиларига бағишланган ушбу мажмуани ташкил қилганимиз хайрли иш бўлди. Чунки улар ҳам миллий қаҳрамонларимиз. Шу жиҳатдан, бу майдоннинг маънавий аҳамияти катта. Бу ҳам ўзликни англаш, бу ҳам инсон қадри, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу йил Хотира ва қадрлаш куни бошқача, кўтаринки руҳда, ҳамжиҳатликда ўтди. Қадр-

Саммитда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, аввало, мураккаб геосиёсий-геоиқтисодий зиддиятлар, минтақавий низолар ва



иқлим ўзгариши оқибатларининг кучайиши барча давлат учун қийин синов бўлаётганини алоҳида қайд этди. Муаммоларга фақат халқаро ҳуқуқ мезёрлари, БМТ низоми асосида ечим топиш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, кўйлаб масалалар қатори фан, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратди. Тошкент шаҳрида Туркий давлатлар халқаро университетининг очилиши аъзо мамлакатларнинг таълим дастурларини амалга ошириш ва иқтидорли ёшларни тайёрлашга муносиб ҳисса бўлиши қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ фаолияти ва тузилмасини такомиллаштириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш ҳамда Туркий маданият жағмармаси кенгашининг навбатдаги йиғилишини Ўзбекистонда ўтказишни тақдир қилди. Ташкилотнинг ушбу тузилмасини янгилаш аъзолар ўртасида маданий алмашинув ва лойиҳалар мувофиқлашувини кучайтириш, туркий давлатлар брендини халқаро миқёсда илгари суриш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган ташаббуслар туркий халқлар ўртасида ҳамкорликнинг узоқ муддатли ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, ўзаро савдо улушини кўпайтириш, юк ташуш ҳажминини ошириш ва божхона-чегара тартибларини соддалаштириш, ўзаро инвестициялар қўламини кенгайтириш, иқлим ўзгаришлари қарши биргаликда курашиш, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ТДТ саммити кўйлаб етакчи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Уларда тадбирнинг аҳамияти, халқаро майдонда ташкилот нуфузи ошиб бораётгани билан бирга давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари эътироф этилди. Хусусан, “Hungarian Conservative” (Венгрия) ахборот-таҳлилий нашрида “Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидagi етакчилиги: Президент Шавкат Мирзиёевнинг қарашлари” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда



Ўзбекистонда ТДТ кун тартибини белгилаб берувчи ва унинг халқаро майдондаги таъсирини кучайтирувчи қатор чуқур ислохотлар бошланди дея таъкидланади.

Ҳа, бутун Ўзбекистоннинг ТДТдаги роли ва илгари сураётган ташаббуслари етакчи экспертлар ва хорижий ОАВ томонидан юксак баҳоланмоқда.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари расмий таширф билан Словения Республикасида бўлди. Мамлакат Президенти Наташа Пирц Мусар, Бош вазир Роберт Голуб ва Миллий ассамблея Раиси Уршка Клакочар-Зупанчич билан сермазун музокаралар ташкил

дек, тизимдаги долзарб муаммолар, бирламчи бўғинда тиббий хизмат сифатини ошириш, маблагни тўғри ишлатиш, рақамлаштириш ва сўғургани жорий этиш, аҳолини малакали тиббий хизмат билан таъминлаш борасида галдаги вазифалар белгилаб берилди.

Сўнгги 7 йилда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблаг 6 баробар оширилди. Ҳудудлардаги шиғохонлар моддий-техник жиҳатдан янгиланди. Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортиқ юқори технология амалиёт вилоят ва туманларда ўтказилляпти. Маҳалладаги бирламчи бўғин билан ихтисослашган хизматларни боғлайдиган тизим йўлга қўйилди.

Йиғилишда соҳадаги таълим сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги етти йилда тиббиёт йўналишларига қабул квотаси кўпайиб, йилига 25 минг талаба ўқишга кирыляпти. Уларнинг 40 фоизи хусусий олийгоҳларда ўқимокда.

Энди тиббиёт олийгоҳлари ва техникум битирувчиларининг замонавий диагностика ва даволаш усулларини ўзлаштириши шафдоф тизим асосида алоҳида баҳоланади. Бунинг учун Тиббиёт соҳасини баҳолаш миллий маркази ташкил қилинади. Бу тизим ҳозир ишлаётган шиғокор ва ҳамширалар фаолиятига ҳам таъбиқ этилади.

— Чуқур танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда қатор янги ташаббуслар илгари сурилди, — дейди Олий Мажлис Қўнғочлик палатаси депутати Анваржон Нурматов. — Масалан, энди тиббиёт бригадаси ҳамда унга бириктирилган аҳоли ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилловчи икки томонлама шартнома тузилади. Аҳоли оилавий шиғокорни эркин танлаши, бу жараёнларга хусусий оилавий шиғокорлар ҳам жалб этилиши мумкин. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши ва саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Йиғилишда илгари сурилган долзарб вазифалар орасида бирламчи тиббиёт бўғинида қадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидagi талабалар алоҳида аҳамият касб этди. Ушбу устувор йўналиш халқ саломатлигини таъминлашда энг муҳим ҳалқа сифатида яна бир бор эътироф этилди.

— Энди ҳар бир тиббиёт ОТМга муайян клиника бириктирилди. Натижада талабалар университет клиникасида малака оширади, — дейди Тошкент давлат тиббиёт университети ректори Шухрат Боймуродов. — Тўғри, ҳозир ҳам талабалар клиникада амалиёт ўтайди, аммо жараёни клиника раҳбарияти бошқаради. Янги тартиб бўйича клиникалар тиббиёт ОТМлар тасарруфига ўтказилди. Тегишли кафедралар клиника бўлимларида аъзо бўлиш ишларини бошқаради. Бу эса назария ва амалиёт йиғулигини таъминлаш, тиббий таълимни ҳаётга яқинлаштиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Президентимиз йўл ҳўжалигидаги ишлар натижадорлиги ва режадаги лойиҳалар, сейсмик хавфсизликни кучайтириш чора-тадбирлари оид тақдирлар, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва уни жадаллаштириш чора-тадбирлари, қурилиш материаллари саноатидаги ишлар ва асосий вазифалар, темир йўлларни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича тақдиротлар билан танишди.

Саломатлик — бирламчи масала

Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соғлиқни сақлаш соҳасидаги умумий ҳолат муҳокама қилинди. Шунинг-

Мактаб таълимидаги ислохотлар янги босқичда

Гап таълим ва ўқитиш сифатига келиб тақалар экан, давлатимиз раҳбари ҳузурда бўлиб ўтган яна бир йиғилиш тафсилотларига тўхталиб ўтиш мақсада мувофиқ, Президентимиз 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор

вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишини бундай сўзлар билан бошлади:

“Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиётни соғлом ва билимли авлодга боғлиқ. Шу боис, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур”.

Ижтимоий соҳалардаги барча саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадларга қаратилган. Охириги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблаг 7 баробар оширилган. Бу йил 60 триллион сўм ажратилган. Мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллион янги ўрин очилди. Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устама жорий қилинди. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, тўғри тарбиялаш, зарарли таъсирлардан асраш ҳам долзарб масалалардан.

Йиғилишда соҳадаги ҳар бир йўналиш атрофлича таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгиланди. Мактаб таълимининг янги босқичга кўтарилган ташаббуслар илгари сурилди. Давлатимиз раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш масаласига алоҳида тўхтади. Фарзандларимиз жуда иқтидорли экани, фақат уларни тўғри йўналтириб, мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда Президент иқтидорли фарзандлари миллий дастури бошланди. Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилади. Унга 8-синф битирувчиларидан 60 нафари саралаб олиниб, рейтингни юқори олийгоҳларга мақсадли тайёрланади.

Шунингдек, ёзги таътилда ёшларни оромгоҳлар ва фойдали машғулотларга жалб этиш, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ва санъат кечалари ўтказиш бўйича вазифалар белгиланди.

Президентимиз 27 май куни мамлакатимизда бўлиб турган БМТ Болалар жағмармаси (ЮНИСЕФ) ижрочи директори Кэтрин Расселни қабул қилди. БМТ тизимидagi ушбу етакчи ихтисослашган институт билан кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мактабларини битирувчи ўғил-қизларимизга мурожаат йўлади. Уларни ҳаётидаги унутилмас қувончли воқеа — мактаб таълимини муваффақиятли тугатиб, етуқлик шаҳодатномасини қабул қилиб олаётгани ва мустақил ҳаётга қадам қўётгани билан самимий муворақбад этди.

Табриқча битирувчиларнинг имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ёшлик фаслининг олтинга тенг ҳар бир дақиқасини қадрлаш, келгусида ватанимиз мустақиллиги, эл-юртимиз манфаатларини барча соҳада дадил ҳимоя қиладиган етуқ кадрлар, онгли ва олижаноб инсонлар бўлиб, халқимизга сидқидилдан хизмат қилиши учун ишонч билдирилди.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълумотига кўра, жорий ўқув йилида 451 минг 73 ўғил-қиз 11-синфини тамомламоқда. Битирувчиларнинг 11 минг 566 нафари олтин, 2475 нафари эса қумуш медалга муносиб топилди.

Мамлакатимиздаги юзлаб олий таълим муассасалари, касб-ҳунар мактаблари, коллеж ва техникумлар битирувчиларни таллаган соҳаси бўйича етуқ, ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган кадрлар қилиб тайёрлашга шай турибди. Ўғил-қизлар замон талабларига мос пухта билим ва малака эгаллаш имкониятига эга. Бу эса уларга катта ҳаётда ўз йўлини топишга қулай шароит яратади.

Эртанимиз эгаларининг инсон қадри улуғланадиган, қаҳрамонларга ҳурмат ва эъзоз кўрсатиладиган, халқ саломатлиги устувор бўлган жамиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўиши учун катта ҳаёт сари босаётган дастлабки қадамлари қутлуг бўлсин.



Энг муҳими, сугориш тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Замонавий томчилатиб сугориш технологиялари жорий этилди. Бу эса инсоният учун энг қимматбаҳо ресурслардан бирини тежаб-тергаб ишлатиш имконини бермоқда.

Албатта, ўтмишни ортга қайтариб бўлмайди. Аммо ўз вақтида эътибор қаратилмаган соҳалар оқибатида Орол денгизи қуриб кетганини унутиб бўлмайди. Бу фақат ўтмиш хатоси эмас, бугун сув билан боғлиқ сўбастнинг қай тарзда шаклланиши кераклигини белгилаб берувчи тарихий дарсдир.

Ҳозир тўқимачилик саноати ривожига фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки экологик барқарорлик, сув ресурсларини оқилона бошқариш, келажак авлод учун соғлом муҳит яратиш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тўқимачилик маҳсулотларининг халқаро савдосида айна шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилади. Ислохотлар нафақат ишлаб чиқариш самардорлигида, балки табиатга муносабатда ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Миллий ифтихор

Тўқимачилик қайсидир маънода келажакдаги иқтисодий моделизмнинг прототиپидир. Чунки бугун ақсарият хусусий бизнес вакиллари соҳада фаолият юритмоқда. Бу ерда давлат бошқарувчи эмас, балки қўлловчи ва шароит яратувчи сифатида иштирок этаётгани янада диққатга сазовор.

Тўқимачилик саноатида хусусий секторнинг устуворлиги нафақат статистика, балки маъсулият ва имкониятнинг хусусий ташаббус қўлига топирилганининг амалий ифодаси. Ҳар бир муваффақият эса тўғри бошқарув, сифатли маҳсулот, мақсадли бозор танлови ва рақобатдошлик натижасидир. Бу соҳада фақат маҳсулот эмас, балки иқтисодий ва маданий фалсафа ҳам шаклланоқда. “Made in Uzbekistan” брендини дунё бозорига муваффақиятли илгари сурулмиш. Илгариги боқимандилик кайфияти ўрнини “ўз кучини билан қила олам” деган ишонч эгалламоқда. Энди ёшлар пахта даласида эмас, замонавий фабрикаларда дизайнер, технолог ва муҳандис сифатида меҳнат қилмоқда.

Ҳар бир инсон ўз меҳнати учун муносиб эътироф ва ҳаққоний баҳо олишни истайди. Бу эса унинг қанча ишлаганига эмас, балки жамият унинг меҳнатида қандай муносабатда бўлиши билан белгиланади. Агар у ишлаб чиқарган маҳсулотга эгалик қилиб, ундан манфаат кўрса, меҳнат қадри тикланади.

Шу тариқа тўқимачилик биз учун фақат саноат эмас, балки иқтисодий мушаккил синови, бозор иқтисодиётининг прототипи ҳамда миллий салоҳиятимиз белгисидир. Бугунги ютуқларни қадрлаб, ҳар қадамда очкилик, сифат ва профессионал ёндашувни асос қилиб олишимиз керак. Фақат шундагина қурмоқчи бўлган замонавий, муваффақиятли ва миллий ифтихорга асосланган тўқимачилик саноати ҳақиқий аҳамиятга эга бўлади.

Сўнгги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги туб бурилишлар туфайли экспорт таркиби сезиларли даражада ўзгарди. Хусусан, экспортдаги пахта толаси улуши кескин камайди. 2010 йилда улуш 12,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йил охирида бу кўрсаткич 0,2 фоиздан иборат бўлди. Утган йили эса тўқимачилик маҳсулотлари экспорти умумий экспортнинг 10,6 фоизини ташкил этди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 6,7 фоиз кўп бўлиб, тўқимачилик саноатида қўшимча қийматга йўналтирилган ишлар самара бераётганини аниқлатади.

Илк муваффақиятлар аллақачон натижасини кўрсатмоқда. Энди эса шу натижаларни мустаҳкамлаш, сифат ва инновацияни устувор мезонга айлантириш, ҳар бир маҳсулот ортда меҳнат, билим ва миллий ифтихор мужассам бўлган саноатни барпо этиш асосий вазифадир.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТОМЧИДАН БОШЛАНГАН БУРИЛИШ

Бошланиши 1-бетда

Менталитетдан бозоргача

Тўқимачилик саноати бугун дунё иқтисодиётида энг йирик ва стратегик тармоқлардан бири. Унинг аҳамияти фақат ишлаб чиқариш ҳажми билан чекланиб қолмайди. Бу соҳа ижтимоий барқарорлик, иш ўринлари очиб ва экспорт орқали иқтисодий ўсишни таъминлашда ҳал қилувчи ўрин тутади.

Бугун дунё миқёсида миллионлаб одам тўқимачилик ва тикув-трикотаж соҳасида меҳнат қилмоқда. Кўплаб мамлакат, айниқса, ривожланаётган давлатлар экспорт тушумининг катта қисми айнан шу тармоқ орқали шаклланоқда. Соҳанинг яна бир муҳим жиҳати унинг кенг қамровлиги, қайта ишлаш имконияти ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар яратиш салоҳиятида намоён бўлади.

Соҳа биз учун янгилик эмас. Юртимизда унинг ўзига хос ривожланиш босқичлари бор. Аммо муайян даврда бозор инфратузими йўқлиги, замонавий технологиялар камлиги ва қайта ишлаш имконияти чеклангани туфайли Ўзбекистон асосан, хомашё етиштиришга ихтисослашиб қолган эди. Йиллар мобайлида бутун инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва ҳатто жамоавий тафаккур ҳам айнан пахта атрофида шакллانган. Пахтага нафақат хомашё, балки сиёсат, идоравий назорат ва ҳатто мафкуравий рамз сифатида қаралар эди. Одамларнинг бу ҳақда танқидий фикр билдириши тўғриси давлатга қарши чиқишдек қабул қилинган.

Бутун бошли ҳалқ ҳар йили кузда пахтага йўл олар, мактаб ёшидан бошлаб талаба, ўқитувчи, шифокор, ҳатто муҳандис ва санъаткорлар ҳам далада меҳнат қилишга мажбур эди. Бу меҳнатда инсон ҳақ-хуқуқлари, бахтли болалик ва эркинлик тафаккур ҳам айнан пахта атрофида оғир меҳнат айримлар учун ҳаёт мактаби бўлган бўлса, бошқалар учун аламли хотира бўлиб қолган.

Айнан шундай оғир сиёсий ва иқтисодий шароитда Президентимиз қатъий сиёсий ирода кўрсатди. Туб ислохотлар бошланди. Давлатнинг аралашуви босқичма-босқич камайтирилиб, соҳага бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилди. Энди ким тadbиркор бўлса, ким ишлаб чиқариш билан шугулланмоқчи бўлса, керакли хомашё — пахтани бозор талаблари асосида адолатли ва эркин шароитда сотиб олади.

Пахта энди мажбурий меҳнат маҳсули эмас, миллий гурур ва иқтисодий имконият манбаига айланмоқда. Халқаро майдонда бизни фақат хомашё етказиб берувчи давлат сифатида таниганлар энди тўқимачилик маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиси дея тан олмақда. Ҳар бир маҳсулот ортда ўнлаб касб эгаси — дизайнерлар, технологлар, муҳандислар, тикувчилар ва тadbиркорларнинг узвий меҳнати мужассам.

Бу жараён нафақат иқтисодий тизимда, балки маданиятимизда ҳам жиддий бурилиш

ЁХУД ПАХТАНИНГ ХАЛҚАРО БРЕНДГА АЙЛАНГАНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Ясади. Янги қадриятлар — ташаббускорлик, мустақил фикрлаш, шахсий масъулият маданияти шаклланди. Бугун бу шунчаки қуруқ гаплар эмас, ислохотлар натижасини соҳада фаолият юритаётган тadbиркорлар ҳам ҳаётий тажрибаси мисолида сезмоқда.

Тўқимачилик соҳасида катта натижага эришган тadbиркор — “Global Textile” тўқимачилик корхонаси раҳбари, қўл остида минглаб одам ишлайдиган Музаффар Раззоқов интервьюларидан бирида бундай деганди: “Иш бошлаганимизда кўплаб ҳамкорларимиз бизни тўхтатмоқчи бўлди. “Сизлардан бу иш чиқмайди, ўзбеклар ўз устида ишламайди”, деди. Аммо биз ишончимизни йўқотмадик. Ёшларни жамлаб, ҳаракатга тушдик. Бугун эса ўша чет элликлар бизнинг ишимизга ҳавас билан қараб, асосий ҳамкоримизга айланган.

Яна бир мисол. Бир неча йил олдин Буюк Британиядан юртимизга келган хорижий тadbиркор — йирик халқаро брендлар учун маҳсулот етказиб берувчиларни изловчи “Sourcing” компанияси раҳбари билан танишиб қолдим. Компаниянинг асосий фаолияти дунё бўйлаб ишончли таъминотчиларни топиш ва уларнинг салоҳиятини баҳолашдан иборат.

Фарғонага борганини эслаб, ҳайратлангани ва қўйил қолганини яширмай, “Мен одатда яхши таъминотчи топиш учун бир давлатдан пахта етиштирувчини, бошқасидан жун етказиб берувчини, яна бошқа ҳудуддан мато ишлаб чиқарувчи ва тикувчиларни излашимга тўғри келарди. Сизларда эса ҳаммаси 100 километр радиусда жойлашган! Бу — мисли кўрилмаган имконият!” дея таассуротлари билан ўртоқлашганди”.



Экспорт ва модернизация йўлида

Мутахассислар соҳанинг иқтисодий, ижтимоий жиҳатларини бежиз эътироф этмайди. Боиси, у миллионлаб одамни ишли қилади. Иқтисодиётни оёққа турғизади. Шу маънода, юртимизда ҳам 1 миллион гектардан ортиқ ҳудудда етиштирилаётган пахтани экишдан тайёр маҳсулот даражасига олиб чиқасак, қанчадан қанча инсоннинг

рўзгорига қут-барака киради. Буни дунё тажрибаси ҳам, юртимиздаги ислохотлар ҳам яққол кўрсатмоқда. Ўзбекистон сиёсатида экспортни кўпайтириш, иш ўринлари очиб ва саноатни модернизация қилиш асосий вазифалардан бирига айланди. Хуқуқий асослар тўқимачилик саноатини нафақат қайта тиклади, балки мамлакат иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айлантирди. Ишлаб чиқариш занжирини тўлиқ қайта қўриб чиқилди. Хомашёдан тайёр маҳсулотга бўлган босқичлар маҳаллийлаштирилди. Индустрал зоналар,



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Навоий шахридан чиқишда киракаш йигит ёқилғи қуйиш шохобчасидан машинасига газ тўлдириб олишини айтганда, йўловчилардан кимдир тўғри тушунди, орқа ўриндикда ёнимда ўтирган ўрта ёшли йигит шошиляпти, шекилли, бир оз норози бўлди. Олди ўриндикда ўтирган чамаси етмиш ёшларни қоралаган отахон ва мен индамай қўя қолдик. Машина шохобча олдида бизни туширгач, уни кутиш баҳонасида атрофни кузатдим. Навоий шахри анча кўркам қиёфа касб этган ва шаҳар четига 5, 7 ва ҳатто 16 қаватли уйлар қад кўтарган.

— Шаҳар анча кўркамлашган, тўғрими, — мен билан бирга машинани кутаётган отахоннинг сўзи ҳаёлимни бўлди.

— Ҳа, отахон. Тўғри айтасиз. Сўнгги йилларда нафақат Навоий шахри, балки вилоятимизнинг барча ҳудудларида мана шундай кўп қаватли уйлар қурилган.

— Сўзларингга қараганда, яқин йилларда вилоятдаги улкан қурилишлардан хабардор кўринасан, ўғлим. Бу яхши. Аммо биласанми, бундай кўнлар бизнинг ҳаёлимизга ҳам келмаган. Кўп қаватли уйлар фақат шаҳарларда бўлади деб ўйлаганимиз. Айтганимдек, ҳозир олис туманлар марказлари, маҳаллаларда ҳам кўп қаватли уйлар қурилмоқда. Қўвонарлиси, ҳали бири битмай, иккинчиси,

НАВОЙ: УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

иккинчиси битмай, учинчиси қад кўтармоқда. Гоҳида саногига ҳам етмай қоларкан киши.

Газ тўлдириб чиққан машина сигнали суҳбатимизни бўлди. Машинага ўтириб, йўлимизда давом этдик ва бир оз юргандан сўнг йўлнинг ўнг томонида янги қазилаётган ерларни кўриб, отахон қизиксиниб, мени саволга тудди.

— Ҳой, билагон ўғлим, бу катта ҳудудда ҳаракатлар авжида-ку. Хали айтганимдек, у ерда ҳам уйлар қурилса керак-да?!

Бу жараёндан хабарим бор эди ва отахоннинг “билагон ўғлим” деганидан руҳланиб, билган маълумотларимни отахон билан ўртоқлашдим.

— Тўғри айтасиз, отахон. Лекин бу сафар янгиликлар жуда катта. Бу кўрган ҳудуднингизда 1100 гектар майдонда турар жой ва савдо бинолари, университетлар кампуси, кутубхона, сўний қўл ва бошқа инфратузилма объекллари ўз ичига олган Янги Навоий шаҳарчаси қурилиши бошланди. Шунингдек, 50 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” боғи яратилади.

— Эҳ-ҳе, яқин уч-тўрт йилларда бу жойларни ҳам танимай қоларканми-да. Илоҳим, шу кўнларни кўриш насиб қилсин, — дея дуо қилди отахон.

Дарҳақиқат, бугунги кунда юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилояти ҳам улкан бунёдкорлик марказига айланган. Муҳими, вилоят аҳолиси ижобий ўзгаришлардан мамун.

Бугунги кунда Навоий вилояти қурилиш соҳасида ўзига хос тажрибага эга бўлиб бормоқда. Мустаҳкам инфратузилма, замонавий қулайликлар асосида тикланаётган ижтимоий соҳа объекллари, турар жой бинолари, Янги Навоий шаҳарчаси, университет кампуси, тест маркази, шунингдек, юртимизда ягона бўлган кутубхона биноси қурилиши жадал.

— Вилоятда ўтган йилдаги дастурлар доирасида 4734 та хонадонли 67 та уй-жой фойдаланишга топширилди, — дейди Навоий вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Акбар Ниёзов. — Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 21 февралдаги “Уй-жой ва ипотека бозорини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, Навоий вилоятида 2025 йилда 5500 хонадонли 69 та уй-жой фойдаланишга топширилиши белгиланган. “Янги Ўзбекистон” массивларида 842 хонадонли 10 та, талаб юқори бошқа ҳудудларда 4658 хонадонли 59 та уй-жой

қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ҳозир амалга оширилаётган Янги Навоий шаҳарчаси лойиҳасининг умумий майдони 1100 гектарни ташкил этиб, биринчи босқичда 450 гектарда қурилиш қилинмоқда. Бу лойиҳа Навоий шахри марказининг меъморий қиёфасини янада яхшилаш, ҳудудни ободонлаштириш, инвесторлар учун жозибадорлигини ошириш, замонавий объектлар қуриш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадига амалга оширилмоқда. Шаҳарчадан йирик замонавий бизнес марказлари, кўп қаватли уйлар, катта кутубхона, кўнгилочар ва истироҳат боғлари, сўний қўл, ҳунармандлик устaxonлари ҳамда бошқа қатор бино ва иншоотлар ўрин олади. Айни масканда Навоий давлат университети бинолари ҳам бўлади.

Навоий шахрида ёшлар тadbиркорлик саноат зонаси қад ростламоқда. Унинг майдони 36 сотих бўлиб, лойиҳа қиймати 38 миллиард сўмни ташкил этади. Ижарага бериладиган хоналар сони 103 та ва бу ерда келажакда 300 тагача янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Ёшларга у ерда замонавий касблар ўргатилади ҳамда маҳсулотлар сотуви йўлга қўйилади.



Урбанизация ҳисобига аҳоли сони кўпайиши, инфратузилма тармоқларидаги ҳаддан ташқари юкламалар, транспорт ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, тўтун — буларнинг барчаси шаҳарлар ҳудудини кенгайтиришни ва кўпроқ яшил майдон яратишни тақозо этади. Кўп хонадонли биноларнинг кўкаламзорлаштириш майдони умумий объектнинг 25 фоиздан кам бўлмаслиги шаҳарсозлик норма ва қондаларида қатъий белгилаб қўйилган. Бунинг учун айна вақтда шаҳарда сугориш тизимини яхшилаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари изчил амалга оширилмоқда. Ушбу ишларни сифатли ташкил этиш учун янги, замонавий техника воситалари хариб қилинди.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилаётган дархат ва гул қўчатлари шаҳар қиёфасига янада кўркамлик бағишламоқда, — дейди вилоят ободонлаштириш бошқармаси масъул ходими Изатилло Бегашов. —

Янги кўп қаватли уйлар қурилиб, шаҳар ҳудуди кенгаётгани боис, ҳар бир жараёнда яшил майдонларни белгиланган ҳажмда ва тартибда барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қурувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда ишланмоқда. Экилган дархат ва гул қўчатларини ёз фаслида барқарор сугориш тизими билан таъминлаш энг долзарб вазифамизга айланди. Бунинг учун сугоришга мўлжалланган замонавий техника воситалари хариб қилинди. Уларнинг афзаллиги — кўп меҳнати камаяди ва сув исроф бўлишининг олди олинади.

Албатта, юртимиздаги бу каби хайрли ишлар аҳолининг фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилмоқда. Айниқса, бунёдкорлик марказига айланган Навоий вилоятида бу жиҳат янада яққол намоён бўлмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Гулчеҳра КАРИМОВА,
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент ахборот технологиялари
университети катта ўқитувчиси

Бошланиши 1-бетда

У меҳрли, ғамхўр, айна вақтда қатъият-ли ва талабчан бўлиши билан фарзанд учун ички таянчга айланади. “Ибрат тимсоли” деганда, кўпинча ҳаётини оиласи, фарзанд-лари, жамияти йўлида бағишлаган, ҳалол меҳнати, юксак маънавияти билан танилган инсонларни кўз олдимиғизга келтирамиз. Бун-дай оталар ҳар бир юриш-туришида масъу-лиятни чуқур ҳис этади, фарзандларига ҳаётий йўл кўрсатади. Уларнинг қарашлари, меҳнатқашлиги, ҳалоллиги фарзандлар учун энг буюк меросдир.

Ҳар бир ота ўғил-қизини комил инсон этиб тарбиялашга ҳаракат қилса, бутун жа-миятда соғлом, фидойи ва ватанпарвар авлод шаклланишига замин яратлади. Бундай тарбия остида улғайган болалар келажакда оиласида ҳам ана шундай қадриятларни давом эттира-ди. Бу узлуксизлик эса жамиятда маънавий барқарорликни таъминлайди.

Курьони қаримда ва ҳадисларда ҳам ота-онага эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларнинг хизматини қилиш ҳақида ўғитлар бор. Бугунги замонавий шароитда ибрат тим-соли сифатида ҳар бир эркак ўз олдига юқо-ри мақсадлар қўйиши, фарзандларига нафа-қат моддий, балки маънавий етакчи бўлиши керак. Ахлоқий поклик, билимга интилиш, меҳнатсеварлик каби фазилатлар билан ҳаёт кечираётган ота жамият учун қатта бойлик-дир. Бундай оталар кўпайса, соғлом маъна-вий муҳит, кучли оилалар ва барқарор кела-жак шаклланади.

Жаҳондаги бугунги глобаллашув жараёни, рақамли коммуникациялар таъсири ва постмо-дерн индвидуализм кучайиши туфайли анъа-навий оила институтларида жиддий ўзгариш-лар кузатишмоқда. Кўплаб мамлакатда оталик мақоми, оиладаги вазифалар тақсимо-ти, тарбия эркакнинг иштироки каби масалалар янги назарий ва амалий муҳокама-лар мавзу-сига айланган. Бу борадаги тортитувлар аниқ тавсия ва ечимларни кутиб турибди. Айниқ-са, БМТ, ЮНЕСЕФ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотлар оила барқарорлиги, бола ҳуқуқ-лари ва маънавий тарбияни таъминлашда ота-ларнинг иштироки ва масъулиятини кенг-роқ ўрганишга асосий эътибор қаратган.

Халқаро илмий-тадқиқот марказлари ва фалсафий мактаблар, жумладан, **Harvard Family Research Project** (АҚШ) отанинг маъ-навий етакчилик ролини таълим ва ижтимоий ривожланиш контекстида тадқиқ қилади. **Max Planck Institute for Social Anthropology** (Германия) оилавий муносабатларнинг этно-маданий ва фалсафий асосларини ўрганишда оталарнинг жамиятдаги масъулиятига ало-ҳида эътибор қаратади. **Centre for Fathering** (Сингапур) каби марказлар оталик бурчи ва масъулиятини глобал муаммо сифатида кўр-моқда. Булар отанинг ижтимоий бурчи ва маънавий масъулияти масаласини халқаро фалсафий ва илмий марказлар кун тартибига чиқарганини кўрсатади.

Оталик ижтимоий-маънавий масъу-лиятдир. Оталик бурчи оилани моддий таъ-минлашдан ташқари, фарзанда тўғри йўл кўрсатиш, жамиятга фойдали инсон қилиб вояга етказишдир. Шу боис, бу масъулиятли ва доимий сай-ҳаракат талаб этадиган му-қаддас вазифа.

Фалсафий ёндашувга кўра, оталик фақат биологик ҳодиса эмас, балки унга маънавий раҳбар, оилавий қадриятларни сақловчи ва узатувчи сифатида қаралади. Бу жиҳатдан ота жамиятнинг кичик модели бўлган оиланинг тартиб-интизом, адолат ва масъулият тимсо-лидир. У намоён қиладиган ахлоқий ибрат, на-муна — ҳалоллик, мардлик, сабр-тоқат, масъу-лият фарзандларнинг шахсий ва фуқаролик хусусиятлари шаклланишида муҳим ўринга эга. Отанинг бурчи ва масъулияти уч асосий йўналишда намоён бўлади: биринчиси — иқтисодий таъминот, иккинчиси — маънавий-тарбиявий раҳбарлик, учинчиси — ижтимоий жавобгарлик.

Иқтисодий таъминот орқали оила аъзола-рининг моддий эҳтиёжини қоплайди. Маъ-навий жиҳатдан эса фарзандларига ҳаётий қадриятлар, инсоний фазилатлар, ватанпар-варлик ва меҳнатсеварлик руҳида тарбия бе-ради. Ижтимоий масъулият эса отанинг оила аъзолари, жамият ва давлат олдидидаги масъу-лиятини англатади.

Ҳозирчага социология, психология ва пе-дагогика соҳаларида отанинг роли, мақоми, оиладаги ўрни кенг ва чуқур ўрганилган. Оналик инстинкти, тарбиядаги ўрни, бола-нинг шахсий ривожланишига таъсири тўғ-рисида кўплаб илмий ишлар, тадқиқотлар мавжуд. Аммо оталик институти ва унинг замонавий жамиятдаги трансформацияси камроқ ўрганилган. Оилалардаги муаммолар, фарзанд тарбиясидаги етишмовчиликлар кўп ҳолларда отанинг роли сусайгани ёки етарли эмаслиги билан боғлиқ.

Оталарнинг тарбияда сустанлиги, меҳ-нат миграцияси сабабли оиладан узоқда бў-лиши, оталикка нисбатан ижтимоий тасаввур ва қутиллаётган масъулиятлар ўзгариб бораёт-гани шулар жумласидан. Шу нуктаи назар-дан, оталик масъулиятини ўрганиш бугун жуда ҳам долзарб илмий йўналиш.

Оилавий муҳитда йўғун муносабатларни сақлаш ва барча оила аъзоларининг фаровон-лигини таъминлашда бурч, масъулият ва маж-бурият категориялари муҳим аҳамиятга эга. Улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бў-либ, ўзаро диалектик муносабатларни ташкил қилади. Бурч бошқа оила аъзолари олдиди ва ўзаро муносабатларда, масъулият инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг оқибатидан хабардорлигиди, мажбурият улар учун жа-вобгарликни зиммасига олишга тайёригидан келиб чиқади. Шу уч тушунча инсоннинг жа-миятда ўз ўрнига эга бўлиши, бошқа одамлар билан муносабатларини сақлаб туриши ва шахс сифатида ривожланишида ёрдам беради.

Бурч инсоннинг оилавий муносабатлар-даги маънавий мажбурияти бўлиб, шахснинг

ички тафаккури, ахлоқий тамойиллари ва жа-миятга қабул қилинган меъёрларга мувофиқ шаклланади.

Масъулият шахснинг ўз зиммасидидаги ва-зифалар ва хатти-ҳаракатлари учун жавобгар-лигидир. У оилавий муҳитда ички (ахлоқий) ҳамда ташқи (ижтимоий) омиллар таъсири-да таркиб топади. Масъулиятнинг моҳияти шундаки, инсон ўзининг қарорлари ва хат-ти-ҳаракатлари оқибатини англаб, улар учун жавобгар бўлади.

Мажбурият шахсга қонун, ижтимоий ёки ахлоқий меъёрлар орқали юклатилган вази-фалардир. Оила муҳитида мажбурият, асо-сан, моддий таъминот, ҳуқуқий муносабатлар ва амалий ҳаракатлар билан боғланган. Бурч,



масъулият ва мажбурият қисман динамик ху-сусят касб этиб, оилавий муносабатларнинг эволюцияси билан уларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгариб боради.

Жамиятшунос олимлар оталикни оила-нинг ўзаро муносабатларини белгиловчи асосий бўлин сифатида талқин қилади. Ота оиланинг ижтимоий мавқеи шаклланиши, оилада ахлоқий меъёрлар ва қадриятларни белгилаб берувчи муҳим механизм эканини эътироф этади. У фарзандлари учун обрў ва

намуна бўлиб, уларнинг шахсияти ва ахло-қий қарашларини ривожлантиришга ёрдам беради. Оталик мақомининг ахлоқий жиҳат-ларини отанинг фарзандлари, турмуш ўрто-ғи ва жамият олдидидаги масъулиятини англа-ши белгилайди.

Отанинг биринчи ва энг асосий вази-фаси оила аъзоларининг моддий таъминоти-ни қафолатлашдир. У оиланинг иқтисодий барқарорлиги, фарзандларининг овқатла-ниши, кийим-кечак, таълим ва тиббий хиз-матларга эҳтиёжларини таъминлаш учун масъулдир.

Иккинчи муҳим функцияси тарбиявий етакчиликдир. Ота фарзандларига нафақат оғзаки панд-насихати, балки шахсий ибратни

қолмай, мураккаб ижтимоий-психологик ва маънавий масъулиятни ҳам қамраб ола-ди. Соғлом ва барқарор оила модели айнан ота-онанинг уйғун фаолияти, айниқса, ота-нинг донишмандона раҳбарлиги орқали

Ота доимо ўз устида ишловчи, билимга чанқок, ҳаётда фаол инсон бўлиши керак. У ўқийди, кузатади, янгиликларни ўрганади ва ўзини ҳар томонлама такомиллаштириб боради. Чунки фарзандлар отанинг хатти-ҳаракатларидан ибрат олади. У қандай яшаса, фарзанд ҳам шундай яшашга интилади. Шу сабабли ота ҳаётга жиддий қарайдиган, мақсадли ва меҳнатсевар инсон сифатида ўзини намоён этиши муҳим.

шақлланади. Шу сабабли замонавий оила-ларда отанинг ўрни тобора ортиб бораётгани жамиятимизнинг маънавий салоҳияти ошаёт-ганидан далолат беради.

Ҳар бир ота оиланинг таянчи, фарзанд-лар тарбиясининг асосий устундир. У ибрат тимсолига айланиш орқали нафақат оиласи-ни, балки жамиятни ҳам соғлом, маънавият-ли авлод билан таъминлайди. Бунинг учун ҳар бир ота ҳаётини маънавий етуклик ва ах-лоқий поклик мезонларига асосланиб йўлга қўйиши лозим. Қўйида ота сифатида ибрат тимсолига айланиш учун зарур амалий та-всиялар ўрин олган.

Аввало, ота доимо ўз устида ишловчи, билимга чанқок, ҳаётда фаол инсон бўлиши керак. У ўқийди, кузатади, янгиликларни ўрганади ва ўзини ҳар томонлама такомил-лаштириб боради. Чунки фарзандлар ота-нинг хатти-ҳаракатларидан ибрат олади. У қандай яшаса, фарзанд ҳам шундай яшашга интилади. Шу сабабли ота ҳаётга жиддий қарайдиган, мақсадли ва меҳнатсевар ин-сон сифатида ўзини намоён этиши муҳим.

Иккинчидан, фарзандлар билан яқин мулоқотда бўлиш — ота ибратининг асоси. Бола отаси билан ўз ҳис-туйғулари, орзу-ниятларини бемалол бўлиша оладиган му-ҳитда улғайса, ўзини қадрланган, тушунил-ган ва ардоқланган ҳис қилади. Шу боис, ота фарзандлари билан ҳар қуни суҳбат қуриши, уларнинг саволларига эътибор билан жавоб бериши, ҳис-туйғуларига бефарқ бўлмаслиги керак.



Сурхондарёнинг Термиз туманида Мухиддин Эштемиев номидаги маҳалла бор. Бу ном 2001 йил 14 июлда Сариев туманининг тоғли ҳудудларида кечган жанговар ҳаракатларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган Мухиддин Эштемиев шарафига қўйилган. Маҳалладаги 24-умумтаълим мактаби ҳовлисида унинг бюсти ўрнатилган. Мактаб ҳудудида мард, жасур сержант Мухиддин Эштемиев хотирасига боғ яратилган. Қаҳрамон таҳсил олган синф “Ватанпарварлик хонаси”га айлантирилган.

Миллат фидойилари

УЛАР ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ

— Маҳаллаимизда туғилиб қамолга етган ва ватан учун жонини берган қаҳрамон бюсти ва “Ватанпарварлик хонаси” шундай бир жойки, бу муҳитда ҳар қандай киши ўзлигини, мамла-кат олдидидаги бурчини тегинга, юрагиди гафрат-шижоат уйғонади, — дейди ўқитувчи Зарина Шерназарова. — Мактабимизга билим олиш учун ҳар кунни юзлаб ўғил-қиз келиб-ке-тади. Улар доимо қаҳрамоннинг виқорли бюс-тига бир кўз ташлаб ўтади. Кимки ватан хизма-тига бел боғлаб, умри, жонидан кечган бўлса, қалбларда мангу яшашини англайди.

Сержант Мухиддин Эштемиев ҳалок бўлганига чорак асрга яқин вақт ўтса-да, уни маҳаллада танимаган одамнинг ўзи йўқ. Қаҳ-рамонлар унутилмайди дейишганга бор. Эл-юрт тинчлиги учун жонини қурбон қил-ган Мухиддин Эштемиев ёди ҳамиша бар-ҳаёт.

У 1975 йил 13 апрелда Термиз туманида туғилган. 1992 йилда тумандаги 7-умумтаъ-лим мактабини (ҳозирги 24-мактабни) аъло баҳо-ларга битиради. Тарих фанини яхши кўрар, мозий ҳақидаги ҳикояларини ва қаҳра-монлик дostonларини севиб ўқирди.

Термиз давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кириб, 1997 йил муваф-фақиятли тугатди ҳамки муддатли ҳарбий хизматга қақирлади. Ватан олдидидаги бур-чини шараф билан адо этган Мухиддиннинг ватанпарварлиги ва фидойилиги, жисмонан

ва руҳан бақувватлиги сабаб армияда ишда қолишга тақлиф қилинади.

У 2001 йил май ойидан Мудофаа вазири-лиги қарашли ҳарбий қисмда шартнома асо-сида хизмат қила бошлайди.

2001 йилнинг ёз ойлари эди. Сурхондарё виллоятининг Сариев номидаги 24-мактабда тоғли ҳудудларида қуролланган номаълум шахслар ҳаракатлари ҳақида маълумот оли-нади ва сержант Мухиддин Эштемиев хиз-мат қилаётган бўлини шахсий таркибига жанговар вазифа қўйилди.

Разведка-қидирув ҳаракатлари чоғида 26 ёшли Мухиддин ҳолатининг жиддийлигини инобатга олиб, ўта сергаклик билан ҳаракат қилади ва теварак-атрофни синчковлик билан кузатиб боради. Қутилмаганда пистирмага дуч келади ва пистирма ҳақида сафдошлар-ига хабар беришга улгуриб қолади. Қисқа отишмалар вақтида сержант Мухиддин Эш-темиев жасорат кўрсатиб, жанг чоғида қаҳ-рамонларча ҳалок бўлади.

Қаҳрамонлар ҳақида тайёрланган “Мард ўғоллар номи барҳаёт” китобида Мухиддин Эштемиев ҳақида бундай ёзилган:

— Ўша пайтда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган эдим. 2001 йил юз берган бу муҳид-ди акка ўта зийрак, қаққон ва қақир, ватан-га, сафдошларига меҳри баланд йигит эди. Унинг бундай фазилатларига барчанинг ҳава-

си келарди. Тоғда якка ўзи бир гуруҳ жанга-риларга қарши қурашиб, юрт осойишталиги учун кўқрагини қалқон қилиб, ватан ҳимоя-чиси қандай бўлиши кераклигини намоён этиб кетди. — дейди фарзанди ҳаққон му-роллошлари, дўстлари томонидан ёдга оли-нади, — дейди ўз даврида шартнома асосида хизмат қилган сержант Хусниддин Ваҳобов.

Қаҳрамоннинг Термиз туманидаги Му-ҳиддин Эштемиев маҳалласида истиқомат қилаётган онаси Манзура момо тўрт ўғил ва беш қизни тарбиялаб улғайтирди. Мухиддин оиладаги олтинчи фарзанд эди. — Мухиддиннинг ақли, илмга чанқок, жуда аълочи, полвонсифат, бақувват йигит эди. Ҳар сафар хизматдан келганида ишлари яхшилигини айтиб, кўнглимининг хотиржам қиларди, — дейди онаси Манзура момо Дил-лаева. — Инсон юз ёшга қирса ҳам унутили-ши мумкин, аммо кам бўлса-да, ватани учун жон бериб яшаган одам унутилмас экан. Ў-лим 26 ёшида элнинг қаҳрамони бўлди, бар-чанинг, халқнинг, давлатнинг тилига тушди, юртига, оиласига катта шуҳрат келтирди. Ҳар қандай она учун қаҳрамон аскарнинг воли-даси бўлиш улкан бахт. Мен бу қисматига, ўғлимга берган оғ сўтимга мингдан минг ро-зиман.

Мухиддин Эштемиев маҳалласининг ёшу қариси сарҳадларимиз дахлсизлиги ва бугун-ги тинч, осуда ҳаётимиз учун жон фидо қилган

Учинчидан, ота хатти-ҳаракати билан меҳнатга садоқатли бўлиши, ҳалол ризқ то-пишга интилиши зарур. Бола отасининг ҳар қуни тинимсиз меҳнат қилаётгани, виждонан ишлаётганини кўрса, унда ҳам меҳнатсевар-лик, жавобгарлик, ҳалоллик каби фазилатлар шаклланади. Айниқса, бола отасининг ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқатни танлаганини кўрса, ўзи ҳам ҳаётда шу йўлдан бормоқчи бўлади.

Тўртинчидан, ота ахлоқий ва маънавий қадриятларга содиқ, айниқса, оилада меҳро-қибат муҳитини шакллантиришда фаол бўли-ши керак. Фарзандлар онага ҳурматни отадан ўрганади. Шунинг учун ота турмуш ўртоғига меҳр, ҳурмат билан муносабатда бўлиши, он-ласида дўстона муҳит яратиши лозим.

Бешинчидан, ота миллий қадриятларни фарзандлар онгига синдиришда фаол бўли-ши керак. У фарзандлари билан байрамлари бирга нишонлаши, ҳаётий сабоқлари болар-ларга содда тилда тушултириши лозим. Бу орқали ота нафақат маънавий тарбия бериб боради, балки ўзини ана шу қадриятларга со-диқ шахс сифатида намоён этади.

Олтинчидан, ота ҳаётда айтган сўзи билан қилган иши орасида тавоват бўлмаслигини таъминлаши лозим. Яъни у фарзандига бирор нарсга ҳақида насихат қилаётган бўлса, энг ав-вало, ўзи шу принципга амал қилиши керак. Фарзандлар оғзаки насихатдан кўра, амалдаги намуналардан кўпроқ таъсирланади.

Еттинчидан, ота фарзандларининг иж-тимоий ҳаётдаги фаолиятини назорат қилиб бориши, дўстлари, интернетдан фойдаланиш маданияти, қизиқиш доирасини назардан четда қолдирмаслиги керак. Шу орқали ота фарзандининг ички дунёсига яқинлашади, уни англайди ва керакли вақтда тўғри йўл кўрсата олади.

Ота ибрат тимсолига айланиши учун доимий ҳаракат, ўзини тарбиялаш, сабр-тоқ-ат ва маънавий етуклик талаб қилинади. У фарзанд учун устоз, дўст, йўл кўрсатувчи ва ишонч манбаи бўлиши лозим. Бундай оталар жамиятда кучли, билимли, маънавий етук ав-лодни тарбиялаб вояга етказиши, шу сабабли ҳар бир ота ўзининг кундалик ҳаётида “Фар-зандим мен каби бўлишни истайдими?” де-ган саволни ўзига бериб яшаса, ибратли ота бўлиш сари муҳим қадам ташлаган бўлади.

Ижтимоий-маънавий ҳаётимизда оила институтининг мустаҳкамлиги, фарзанд тар-биясидаги ота-онанинг ўрни устувор аҳамият касб этади. Шу нуктаи назардан, жамият-мизда оталарнинг оила, фарзандлар тарбия-сидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш мақса-дида Оталар кунини алоҳида сана сифатида нишонлаш фойдадан холи бўлмайди, назар-римда. Зеро, бу ибратли оталарни тақдирлаш, маънавий рағбатлантириш, оммавий тадбир-лар ташкил этиш орқали жамиятимизда ота-нинг ижтимоий-маънавий мавқеини юксал-тириш, оилалардаги масъулият мувозанатини тиклаш ва эркакларнинг тарбиявий ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ёш авлод қалбиди ота шахсига ҳурмат, миннатдорлик ва садоқат туйғуларини шакллантиради. Бу эса мил-лий тарбия тизимини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Байрамлар арафасида мард, жасур ўғлон қамолга етган Манзура момо Диллаева хонадонин турли соҳа вакиллари, ҳарбийлар, ёшлар ва маҳалладош-лари билан янада гавжум бўлади.

Аскарнинг жасоратга йўғрилган ҳаёт йўли эса ёшларга ибрат қилиб кўрсатилади. Унинг юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган қаҳрамонлиги вафотидан сўнг давлатимизнинг юксак мукофоти — “Жа-сорат” медали билан тақдирланади. Ҳарбий қисмларда унинг қасамидида содиқлиги ўз ифодасини топган сурат ва лавҳалар жойлаш-тирилган бўлиб, ёш ҳарбийлар учун том маъ-нодаги ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

— Ҳар йили байрамлар арафасида дав-лат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбийлар уйимизга келиб, хол-аҳвол сўраб туради, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жигарбандимнинг халқимиз қал-биди абадий яшаётгани бизга далда бўлади. Бунинг учун давлатимиздан чексиз миннат-дорман, — дейди Манзура момо Диллаева.

Элнинг йўқлови фарзандидан эрта айрил-ган онанинг кўнглини тоғдай кўтаради. Эга-си бор юртининг эртаси борлигидан хотиржам бўлиб, дуога қўл очади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Албатта ўқинг!

Ранг сўзининг рангинлиги

(“Сўз латофати” китобидан)



Тонготар уфқидан эндигина кўтарилган, ҳали яллиғланиб, кўзни олар даражага етмаган қуёшга қараганмисиз? Нурланиб турган бу улкан олтин баркаш қалбингизга завқ берганми? Ёки офтобнинг ботишига назар солганмисиз? Оқшом ва тонготарда хуршиди жаҳоннинг тамоман ўзгача, бир-бирига ўхшамас рангларидан ҳайратланганмисиз? Биласизми, ҳовлингизда ўсган гули раъно қандай рангда? Эътибор берганмисиз? Албатта, разм солсангиз, биласиз. Сиз ахир бебаҳра инсон эмассиз. Бу рангларни билгангиз учун Ҳазрат Навоийнинг гўзал байтидан завқ-шавққа тўлгансиз:

**Қуёшқа гаҳ қизармак, гоҳи сарғармоқ эрур андин
Ки, сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.**

Қуёшнинг тонгда сарғайиши, оқшомда қизариши шундаки, дунёни яратган Оллоҳ жаҳон боғига юз минглаб гули раънони сочиб қўйган. Гули раънонинг эса бир томони қизил, бир томони сариқ бўлади.

Яна бир савол. Ёниб турган оловда неча хил ранг бор? Тикилиб қараганмисиз? Шубҳасиз, назар солгансиз. Лекин юзак қараган бўлсангиз, қизил тусни кўргансиз, холос. Дикқатни жам қилган бўлсангиз, аланга марказида тонготар офтобининг сарғиш тобини ҳам сезгансиз. Олов шуъласидаги яшил нурланишга эса эътибор қилгансиз, ё қилмагансиз.

Хилъатин то аламиш жонон қизил, сориг, яшил,

Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Яъни оҳим алангаси қизил, сариқ, яшил бўлиб ёнса, бунинг боиси жононим қизил, сариқ, яшил рангли либослар кийганидир.

Биз кўриб турган олам рангинлиги билан гўзал. Бу гўзаллиқни қалб кўзи билан кўра олиш, завқланиш, лаззатланиш алоҳида истеъдоддир. Ҳазрат Навоий тасвир этмаган, ташбиҳларга солмаган ранг йўқ десак, муболаға бўлмас. Ҳар қал бундай ташбиҳлардан баҳраманд бўлганимда, улуг устоз қалбидеа Беҳзодининг кўзи бўлган дегим келади.

Оврупонинг рутубатли ҳавосида занг босган ҳайкаллари томоша қилгансиз. Кетмас яшил доғ бўлиб, бу занг улуг сиймоларнинг биринж-бронза танасида қотиб қолган. Дейдларки, тоза пўлат қилнча ҳам қон қотиб қолса, шундай яшил рангли занг тутар экан. Бу ҳолатни Фузулий қойилмақом байтга қўчирган:

*Муқаввас қошларинеким вусма бирла
ранг дутмишлар,
Қилчилардирки, қонлар дўкмак
ила занг дутмишлар.*

Яъни ёрнинг қавс белгисидек қошлари ўсма яшил яшил рангга кириб. Бамисоли қон тўқкан қилчилар занглаб, яшил тус олгандек. Ҳаётий ҳақиқат бадийий мажоз билан қовушиб, гўзаллиқ туғилди.

Дунёда қанча жонзот бўлса, барчасининг ўз ҳимоя услуби бор. Буқаламун, яъни ҳамелон қавмидаги жонзотлар гиёҳ ичидеа гиёҳ, хазон ичидеа хазон, шох-шабба ичидеа шох-шабба рангига кириб, ўзларини яширади. **Ҳар ранг билан ўзни қўтқариш** деган қадимги ибора шундан. Мирзо Бобурнинг байтини эсланг:

*Хазондек қон ёшим, сориг юзимдан
эл танафурда,
Ба ҳар ранге, биҳамдуллоҳ,
улусдин ўзни қўтқардим.*

Эътибор қилинг, **ба ҳар ранге** баъзи ҳофизларимиз куйлагандек **баҳор ранги** эмас. Байтнинг мазмунни шуки, ҳижронзадаликдан ошқ шoirнинг юзи сарғайган, кўзидан қонли ёш оқади. Бунга кўрган эл-улус:

“Дарди оғир экан, менга юқмасин”, деб ошқидан ўзини олиб қочади. Улуснинг гафолари жонига теккан ошқ шoir бундан хурсанд. Қизил қоним, сариқ юзим билан, яъни ҳар ранг билан улусни қочирдим, ундан ўзимни қўтқардим дейди. Ҳасратли, аммо ёрқин ва гўзал ташбиҳ.

“

РАНГЛАР ДУНЁСИ ЎЗИ БИР МЪЪЖИЗА.
ЯПОНИЯДА РАНГЛАРНИ ЎРГАНУВЧИ
МАХСУС ИЛМИЙ ИНСТИТУТ БОР.
ОЛАМНИНГ РАНГИНЛИГИ, РАНГЛАРНИНГ
КИШИ КАЙФИЯТИГА ТАЪСИРИ, ТУРЛИ
РАНГЛАРНИНГ БИР-БИРИГА МОС
ТУШИШИ, РАНГЛАРГА НИСБАТАН ИНСОН
ДИДИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДАН
ТОРТИБ, ОДДИЙГИНА ГАЛСТУКНИ ТЎҒРИ
ТАНЛАШГАЧА ШУ ДАРГОҲДА ЎРГАНИЛАДИ.
ЯПОНЛАР РАНГЛАРГА ЖУДА ЭЪТИБОРЛИ.
БИЗНИНГ ҲАМ УЛАРДАН КАМ ЖОЙМИМIZ
ЙЎҚ. ЮРТИМИЗ УЛАРНИНГ ЮРТИДАН ЎН
ХИССА РАНГИНРОҚ, ШЕЪРИЯТИМИЗ ЎН
КАРРА БОЙРОҚ.



Ҳадимги луғатларда найранг сўзи **ниранг**, **неранг** деб ўқилади. Араб ёзувида ёй ҳарфининг икки хил айтилиши боис, **неранг** **найранг**га айланган. Аслида, **найранг** ҳам **ҳар ранг** деган маънони билдиради. Кўзни алдаб, ҳар рангда тусланиш **найранг** ҳисобланади. Бугун урфга кирган хислат.

Ранг форсча сўз, арабчаси **лавн**. Биз **ал-вон** деб **қизил** рангга айтганим. Аслида, **ал-вон** **лавнинг**н кўплиги, **лавлар**, **ранглар** демакдир. Биз, туркий халқлар **тус** деймиш. Ҳазрат Навоий ҳар уч сўзни тенг эъзозлаб, ғазалларга киритган.

*Новакининг парру пайқонида
рангин тус эрур,
Ёки кўнглимдан чу паррон ўлди,
юқмиш қон анга.*

Ёр отган камон ўқига болганган пар рангиндир. Бу ўринда **рангин тус** қон юки маъносидеа келган. Новакининг пари қон юки бўлишига сабаб шуки, у юрагимни тешиб ўтган.

*Кўнглақинг лавнидан ўлдим,
атридин тондим ҳаёт,
Қайси гул баргида бор эркин
бу янелиг рангу бў?*

Навоий асарлари луғатига қарасангиз, ранг сўзининг бешта маъносини топасиз. Мабодо Шарқ қўлёмалари хазинасига кирсангиз, “Қанз ул-луғот”, “Мунтахаб ул-луғот”, “Бахр ул-жавоҳир”, “Луббул албоб”, “Қашф ул-луғот”, “Фирдавс ул-луғот”, “Муайинд ул-фузало”, “Латоиф ул-луғот”, “Бурхони



келганини олиб, дуч келган саҳифани очиб қарадим ва бир талай туркий ўзбек сўзларини кўрдим. Хукмдор маъносидеаги **қоон**, дарвоза маъносидеаги **қопу**, қозон маъносидеаги **қозғон**, бутунги тилимизда мавжуд бўлган **қон**, **қош**, **қатик**, **қошиқ**, **қилич**, **қонуш**, **қақнус**, **қулоч**, **қаймоқ**, **қайчи** сўзларини топдим. Менга янгилик бўлгани — **қонун** билан **қақнус**, аслида, юнонча экан. Қолган сўзларнинг бариға лафзи туркий деа изох берилган. Эринмай санаб чиқдим. Туркий — ўзбек сўзлари араб, форс сўзларидан кўп чиқди. Арабий, форсий сўзларнинг ҳам бари беистисно менга таниш экан. Уларнинг кўпи бутунги жонли тилимизда бор. Қолганлари мумтоз адабиётимиз хазинасидан жой олган. Энди айтнинг, неға у луғатлар бизники бўлмасин? Неға улардан баҳраманд бўлмаслигимиз керак?

Ўзбек тилининг ривожи аҳамиятсиз ҳисобланган, тарихимизнинг бойлиги ва улуглиги тўғрисида гапириш миллатчилик саналган даврлар ўтди. Қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган замон келди. Лекин ўриндан кўзгаланишимиз қийин кечмоқда. Қарамликдан қутулсак ҳам узок вақт давомидеа жонимизга сингиб қолган ҳадидан қутулмади.

Дил сўзи қатагон эркисиз тузумни
Биз кўрдиқ, кўрмасин ҳеч қим, ҳеч замон.
Кўп қаттиқ тишлазан эканмиз мумин,
Оёиз очоимасдан юрибмиз ҳамон.

Жонқуяр аждодларимиз сонсиз луғатлар тузиб, келажак авлоднинг саводини ўйлаганлар. Минг йиллар қаъридан етиб келган Сўз жавоҳирини асраб-авайлаб бизга етказганлар. Уларни ўрганиш, нашр этиш ёлғиз мумтоз адабиётимизни англаш учунгина эмас, турлича ижтимоий, илмий, ахлоқий атамаларни билиш ва тилимизга дадил киритиш учун керак. Агар ўша луғатлар қўлимизда бўлганда фанининг барча соҳаларида ўзбекча сўзлар кўпроқ ва устуноқ бўларди. **Юридик шахс**, **жисмоний шахс**, **ҳуқуқбузарлик** сингари зўрма-зўраки таржималарга эҳтиёж қолмасди. **Олтин пробасини** ўзбекча нима десак бўлади деб беш қотирмас эдик. Ўзбекистоннинг тўқсон тўққиз **ёригитли** тилласи бор деа ифтихор билан айтардик. Олтинимиз ёнида олтин сўзимизга-деа эға бўлардик. Мустақил юртимизнинг ўз мустақил армиясини ўз ҳарбий атамаларини топарди. **Саркарда** ёнида **сартиб**, **сарҳанг**, **сарлашкар**, **сипоҳсолор** каби жанговар унвон-даражаларимиз бўлар, авангард, аръергард ўрнида **хировул**, **чиндовул** деб, ўнг ва сўл флагнни **буронг**, **жувонг**ор деа Темур бобомиз айтгандек, Ҳазрат Навоий шеърға солгандек айтардик:

*Ҳам буронгор, ҳам жувонгор кинсигол,
Ҳам яна гулу хировулду бу ҳол.*

Бу соф туркий сўзларнинг талаффузи қийин бўлса, **маймана**, **майсара** дердик. Мен асл ўзбекча **юзбоши**, **мингбоши**, айниқса, **қўрбоши** унвонларини тилга олмадим. Ўтмишимизни қоралаш урф бўлган замонда улар шу қадар лойға қорилганки, эшитган одам бугун ҳам сесканади. Ўрни келганда айтиб қўйай: **қўрбоши** эмас, **қурбоши** десак, тўғри бўлади. Чунки **қур** тўплаш, йиғиш маъносини англатувчи **қурмоқ** сўзининг ўзэги. Йиғитлар давра курса, бир **қур** йиғит деймиш. Бир **қур** ичидеаги йиғитлар **қурдош** бўлади-лар. Ёши тенглари **тенгқур** аталади.

Тилшунос олимларнинг қўллари билан дўстман. Дўст аңитиб гапиради. Лекин фақат аччиқ гапларгина айтсак, инсофдан бўлмас. Шубҳа йўқки, истиқлол йилларида тилшунослигимиз бирмунча ривожланди. Катта жамоанинг кўп ийиллик меҳнати — беш жилдди изохли луғатнинг нашр этилгани, гарчи у мукаммаликдан йироқ бўлса ҳам, эл маърифати учун фойдали иш бўлди. Профессор Қосимжон Содиқов “Девону луғотит турк”нинг қайта нашри тизда иш олиб бормоқда. Академик Эргаш Фозилу Навоий асарларининг тўлдирилган ва батафсил шарҳланган луғатини тайёрламоқда. Алломанинг айтилишича, бу луғат ҳар бири минг саҳифалик бешта китоб бўлади. Атоқли тилшунос Шавкат Раҳматуллаев уч китобдан иборат ўзбек тилининг этимологик луғатини чоп эттирди. Академик Нейматулла Иброҳимов раҳбарлигида тайёрланаётган арабча-ўзбекча мукаммал луғат яқин ойларида дунё юзини кўражак. Шарқшунос олим Муҳаммаджон Имомназаров ўз шоғирдлари билан “Ҳамса”нинг тўла сўзлиги, конкардансини тўмоқда. Булар, албатта, олийжаноб ишлар. Лекин армон армонлигича қолади. Муслмончилик асчалик деа ўзимизга таскин бериб, шитоб замондан ортда юриш энди ярашмайди. Олимларимиз зиммасида мумтоз адабиётимизнинг мукаммал сўзлигини тузиб беришдек улкан бурч турибди. Ўзбек тилининг ўз грамматикаси — сарфу наҳви йўқ. Кимга тобе бўлсак, унинг тили қондаларини олганмиз. Ҳозирда рус тилининг сўз ясаш, гап қуриш, имло талабларини шундоққина қабул қилганмиз. Тилшунослик атамаларимиз бари русчадан таржима қилинган. Ўз она тилимизга мос грамматика яратиш ҳам олимларимиз бўйнидаги қарз. Ҳам бутунги авлод ҳам келажак насллар олдида ўташ зарур, кечиктириб бўлмас қарз бу.

Мана, узок қўзилган, зинҳор лирик бўлмаган чекиниш ниҳоят тугади. Энди мавзуга қайтамыз. Дарҳақиқат, **ранг** сўзининг ўттиз

бир маънода келиши китобларда кўрсатилган. Биринчиси ва энг машҳури **оқ**, **қора**, **қизил** деган каби **тус**, иккинчиси **ҳисса**, **насиба**, учинчиси **айб** ва **орият**, тўртинчиси **ранжу** **иттириб**, бешинчиси **қувват** ва **имкон**, олтинчиси **жон**, еттинчиси **нортуя**, саккизинчиси **мол-мулк**, **олтин**, тўққизинчиси **фойда**, ўнинчиси **дарвешларнинг кўк тўни**, ўн биринчиси **равшиш**, **тарз**, ўн иккинчиси **тоғ эчкиси**, ўн учинчиси **макру ҳийла**, ўн тўртинчиси **кўқариш**, **юз очиш**, ўн бешинчиси **яхшилиқ**, ўн олтинчиси **саломатлик**, ўн еттинчиси **шарму ҳаё**, ўн саккизинчиси **қон**, ўн тўққизинчиси **чирай**, ва **латофат**, йиғирманчиси **миқдор**, йиғирма биринчиси **ўғрилиқ**, йиғирма иккинчиси **қимор** ва **қимордан топилан бойлик**, йиғирма учинчиси **тангри** ва **эға**, йиғирма тўртинчиси **ота**, йиғирма бешинчиси **юздаги ҳол**, йиғирма олтинчиси **луфт** ва **рамзу ишора**, йиғирма еттинчиси **қувноқлик** ва **шўхлик**, йиғирма саккизинчиси **қўнғироқ**, йиғирма тўққизинчиси **қаҳру ғазаб**, ўттизинчиси **ипак**, ўттиз биринчиси **хиёнат**. Ўзбек тилида рангининг ўттиз иккинчи маъноси ҳам бор. **Юз**, **афт**, **башара** маъносидеа. **Ранги рўй**, яъни юзининг ранги сўздан рўйнинг тушиб қолиши натижасида ҳосил бўлган. **Ранги синиқ**, **ранги бузуқ**, **ранги совуқ**, **ранги қурсин** иборалари бунга мисол.

Фузулий байтида **ранг** биринчи, асосий маъносидеа келган бўлса, Бобур байтида ўн учинчи маъно, яъни **ҳийла** ўрнида қўлланган. Навоий байтидаги **рангин тус** — қон туси, яъни ўн саккизинчи рақамли мазмунга эға. Ҳазратнинг “Лисон ут-тайр” достонидан олинган қуйидаги байт ўн биринчи рақамли маъно, яъни **тарз**, **равшиши** билдиради:

*Ун чекиб нокус оҳанги биле,
Куфр элининг шеваи ранги биле...*

Бу ўринда Шайх Санъоннинг ишқдан мажнун бўлиб, диндан чиққани ва куфр элига хос тарзда ноқис сўзлар айтгани, бутта қўқингани, чўчка боққани тўғрисида сўз боради.

Ранг тушуначасини ифода қилувчи сўзлар кўп. Олтин куз, феруза осмон, зумрад дала деганда, сариқ, қўқ, яшил рангларни кўзда тутамиз.

Шахматчилар учун янгилик бўлиши мумкин: шатранж сўзининг ўзэги ҳам ранг. Ҳиндистонда кашф этилган бу донишманд ўйиннинг дастлабки номи **чагурранг** бўлган дейди тарихчилар. **Чатур** — форсча **чаҳор** ёки **чор**, русча **четыре** сўзларига қариндош — тўрт рақамини билдиради. **Ч** ва **Ш** товушлари бир-бирига ўринбосар. Биз **чой**, **чироқ** десак, қипчоқ турклари **шай**, **ширақ** дейдилар. **Г** ва **Ж** товушлари ҳам шундай. **Генерал** билан **женерал**, **география** билан **жеография**, **Жамол** билан **Гамол**, **Жабалут** **Ториқ** билан **Гибралтарни** мисол қилсак етар. Чатурранг сўзидаги бош ва охириги товушлар ўз муқобилига ўзгариб шатранж бўлди ва шу кўйинишда Навоий замониға етиб келди. Қадимда чатур ранг — тўрт рангли бўлган шахмат доналари икки ранг олиб, бутунги содда ва мукаммал шаклиға эға бўлди. Чатур ранг, қарантки, ду рангға, оқлар ва қораларға айланди. Гоҳ оқлар ютди, гоҳ қоралар. Икки томон тенг келганда ду ранг — баробар дейиладиган бўлди. Бора-бора сўз қисқартишға омил халқ тенг натижани дуранг деа бошлади ва бу сўз шахмат доирасидан чиқиб, мусобақанинг ҳамма турини қамраб олди. Икки рангға ҳеч бир алоқасиз бўлган, масалан, интеллектуал мусобақалар ҳам энди дуранг билан тугаши мумкин. Бу ҳам Сўз оламидаги мўъжизавий эвриллиқдан бири.

Ранглар дунёси ўзи бир мўъжиза. Японияда рангларни ўрганувчи махсус илмий институт бор. Оламнинг рангинлиги, рангларнинг киши кайфиятиға таъсири, турли рангларнинг бир-бирига мос тушуши, рангларға нисбатан инсон дидининг шаклланиш жараёнидан тортиб, оддийгина галстукни тўғри танлашгача шу даргоҳда ўрганилади. Японлар рангларға жуда эътиборли. Бизнинг ҳам улардан кам жойимиз йўқ. Юртимиз уларнинг юртидан ўн ҳисса рангинроқ, шеърятимиз ўн карра бойроқ, *Элимизға ўн баробар кўп неъмат ато этган танершимиз япондаги ҳафсала ва уринчоқлиқнинг ўндан бирини бизға берса эди...*

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Маърифат улашиб



“МАРД АСКАРГА СОВҒА” – ВАТАНГА МУҲАББАТ ТИМСОЛИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Қуруллий Кучлар тизимидаги ташкилотлар ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар, ҳарбий таълим муассасалари курсантлари учун “Мард аскарға совға” рукнида китоблар чоп этилиши ўзига хос анъанаға айланиб улгурди. Ушбу анъана ёш авлодни ватанға садоқат, фидойилик ва дахлдорлик руҳида тарбиялаши билан алоҳида аҳамият касб этаётир.

Қуруллий Кучлар академиясида 2025 йилда ушбу туркумда чоп этилган 7 номдаги китобнинг тақдими ўтказилди. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуруллий Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашға

тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги тегишли фармойиши ижросига оид чора-тадбирлар режасида ҳам “Мард аскарға совға” рукнида китоблар чоп этиш ва уларнинг тақдимиғни ҳарбий қисмлар, ҳарбий таълим муассасаларида ўтказиш белгиланган.

Тақдимотда Мудофаа вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти вакиллари ҳамда масъул ходимлари, уюшма аъзолари, вазирлик тизимидаги ҳарбий хизматчилар ва курсантлар иштирок этди.



Китобларда ўзбек миллий адабиёти вакиллари ижодида намуналар тўпланган. Улардаги шеър ва ҳикояларда ватанпарварлик, бурға садоқат, инсон шаъни ва қадрқимматини улуғлаш каби ғоялар етакчи ўрин эгаллайди.

“Мард аскарға совға” туркуми “Бобомерос туйғу”, “Аскар онаси”, “Олимпиада

илҳомлари”, “Ота макон”, “Ватанни ҳар кимга ишониб бўлмас”, “Меҳринг билан яшаймиз, Ватан!” ҳамда “Эр йигит юртидан



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ	Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ	Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфдик жиҳатдан сифатли чоп этилишиға “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатға олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546. 36191 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Обфсет усулида қосилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.	Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамкулов Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-ўй ЎЗА яқуни — 20:50 Тошхирлиди — 23:05
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz; (71) 233-47-05			“ШАРҚ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.	